

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА  
УНДАН ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШ  
ИМКОНИЯТЛАРИ”**

**модули бўйича  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

**А.В. Вахабов,**  
ЎзМУ профессори, иқтисод фанлари  
доктори

**Такризчи:**

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУ Илмий кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>52</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>56</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>63</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>65</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

#### **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»  
Тармоқ (минтақавий) марказ  
директори И.Хамиджонов

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

#### **“ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ” МОДУЛИНИНГ**

### **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Малака ошириш курси йўналиши:** Ижтимоий иш (фаолият турлари бўйича)  
**Тингловчилар контингенти:** Олий таълим муассасаларининг профессор-  
ўқитувчилари

**Тошкент – 2018**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил идаги -сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган

**Тузувчилар:**

**Такризчилар:**

Ишчи ўқув дастур Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Кенгашида тавсия қилинган (201 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ -сонли баённома).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сонли қароридан белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси мутахассислик фанлари блокадаги асосий модуллардан бири бўлиб, унда ижтимоий соҳасида эришилган янгиликларни, ҳозирда амал қилаётган фан дастурига кирмаган маълумотларни танлаб ўқитиш мақсад қилиб қўйилган.

### Модулнинг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- узлуксиз социал таълим тизимини ўзлаштирилишини таъминлаш;
- олий таълим муассасалари педагог кадрларини ижтимоий соҳасида эришилган янгиликлар билан таништириш.

### Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси бўйича тингловчиларнинг ижтимоий мутахассислиги бўйича тайёргарлигига қўйидаги талаблар киради:

#### **билиши зарур:**

ижтимоий соҳаси бўйича Республикада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ва уларнинг моҳиятини;

янги инновацион ва педагогик технологияларни ва уларнинг халқаро киёсий таҳлилини;

ижтимоий соҳасига оид янги назарий қарашлар ва концепцияларни, илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилишни;

ижтимоий соҳасига оид амалий ва назарий масалаларини ечиши, янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллашни;

ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни.

***кўникмаларга эга бўлиши керак:***

ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;

ижтимоий ва социал технология соҳасида ахборот технологиялари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;

янги ғояларни яратиш ва илмий-тадқиқот ишларини мустақил олиб бориш қобилиятига ҳамда илмий жамоада ишлаш.

***малакаларга эга бўлиши керак:***

тингловчиларни ўзига жалб қилган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида фанни тушунтириш;

социал технология соҳаси бўйича фаолиятнинг илмий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларида фаол иштирок этиш;

иш бўйича мулоқотда бўлиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эркин сўзлашув даражасида эгаллаш.

***Компетенциялар:***

ижтимоий соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиши

илмий-тадқиқотда инновацион фаолият;

Консалтинг хизмати фаолиятини бошқара олиш.

***Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар***

“Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” модули материаллари билан курс тингловчиларини таништириш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, компьютер технологиялари, интернет тармоғидан олинган янгиликларни қўллаш усулидан фойдаланилади. Маъруза дарсларида презентация усулида, амалий машғулотларда эса янги лаборатория, ақлий хужум, гурухли фикрлаш усуллари билан фойдаланиш назарда тутилади.

***Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги***

“Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан

Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча сохалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишдаги технологик ёндошув асосларини, бу борадаги илғор тажриба ва янгиликларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий ютуқларга эга бўладилар.

### Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари” модули бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма	
1.	<i>Пенсия тизимининг миллий иқтисодиётдаги ўрни</i>	4	4	2	2		
2.	<i>Давлат томонидан пенсия тизимини тартибга солиш.</i>	4	4	2	2		
3.	<i>Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари.</i>	6	6	2	4		
4.	<i>Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш.</i>	8	6	2	4		2
5.	<i>Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотида ўтиш истиқболлари.</i>	8	6	2	4		2
<b>ЖАМИ: 30 соат</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>		<b>4</b>

### НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу: Пенсия тизимининг миллий иқтисодиётдаги ўрни

Пенсия тизимининг миллий иқтисодиётдаги ўрни. Пенсиянинг иқтисодий асоси. Пенсия тизими ва унинг элементлари. Пенсия турлари. Пенсиянинг вазифалари. Пенсиянинг ривожланиш кўрсаткичлари: ўрта ойлик



пенсия, минимал, ўрта ва максимал меҳнат пенсиялари, қарилик пенсиясининг минимал миқдори. Қоплаш ва боғлиқлик коэффициенти.

## **2-мавзу: Давлат томонидан пенсия тизимини тартибга солиш.**

Давлат томонидан пенсия тизимини тартибга солиш. Пенсия таъминотини халқаро тартибга солиш.

## **3-мавзу: Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари**

Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари. АҚШда давлат пенсия тизими. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти тизими ҳолати, таркиби, ривожланиш тенденциялари ва ислоҳ этиш йўналишлари. Япония пенсия тизимининг хусусиятлари.

## **4-мавзу: Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш.**

Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш.

## **5-мавзу: Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш истиқболлари**

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш истиқболлари.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишни қуйидаги шакллардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини чуқурроқ ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Рустамов Д.Р. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Монография/ ТМИ. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2013. – 156 б.
2. Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его применения в условиях переходной экономики. Ташкент. «Университет» 2003 г.
3. А.Ҳайтов, М.Зиядуллаев. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. Тошкент “Адолат” 2009 й.
4. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент “Фан”, 2005 г.
5. Беликова Т.Н., Минаева Л.Н. Пенсия: расчет и порядок оформления. – СПб.: Питер, 2011. – 224 с. (электрон)
6. Актуальные проблемы пенсионной реформы / В.С.Назаров. – М.: Издательство «Дело» РАНХ, 2010. – 144 с. (электрон)

### Қўшимча адабиётлар

7. Усмонова М.А. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари. Монография. Т., ТДЮИ, 2005., 198 б.
8. Усманова М.А., Иноятов А.А., Саримсакова Г.К., Муродова Г. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005.- 302 б.
9. Усманова М.А., Турсунов Й. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2004.- 190 б.
10. Турсунов И., Шойимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2003-230 б.
11. Уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш методик қўлланмаси/ М.Карамян, М. Хасанбаева, М. Аминова. – Тошкент: Vaktria press, 2014. – 100 б.
12. “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: “Университет”. 2014. 272 б.
13. “Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: “Университет”. 2016. 126 б.
14. “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. -432 б.
15. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Стат. тўпلام. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -140 б.
16. Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистана 2015 / под общ. Ред. Г.К. Саидовой. – Ташкент. Центр экономических исследований, 2015. – 100 с.
17. Доклад о человеческом развитии 2014. Обеспечение устойчивого прогресса человечества: Уменьшение уязвимости и формирование жизнестойкости. ПРООН. Нью-Йорк. 2014. -239с.
18. World development report 2014: risk and opportunity - managing risk for development. The World Bank. Washington D.C. 2014. 324 p.
19. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017 йил. 244 б.

### Раҳбарий адабиётлар

20. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали

маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ., Тошкент, 2016. 56-б.

21. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
22. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.
23. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2015. 304б.
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

#### **Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар**

25. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2013
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 10.08.2015 йилдаги 327-сон қарори.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 09.07.2015 йилдаги 185-сон қарори.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 10.06.2015 йилдаги 153-сон қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармони.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2016 йил 27 декабрьдаги ПҚ-2699-сонли Қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовни “Кексаларни эъзозлаш давлат дастури тўғрисида” 2015 йил 18 феврал ПҚ-2302 сонли қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

#### **Интернет сайтлар**

34. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг портали

35. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
36. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти
37. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси сайти
38. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “АҚЛИЙ ХУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволлар берилади:

1. Таълим жараёнида қадриятлар тизимининг ўрнини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичларини очиб беринг?
3. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммоларининг муҳим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Болоня декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари?
5. Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг ролини очиб беринг?
6. Таълимнинг қайси шаклларини биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Таълим фалсафасининг моҳияти нималардан иборат?
2. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари?

### “ЛОЙИҲА” методи




“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллаш олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ

этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиха” методининг босқичлари

### ИЛМИЙ МАҚОЛА ЛОЙИХАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

*Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий мақолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)*

#### “Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тинловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослайди, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

**Намуна:**

#### Инсерт жадвали “ЖАҲОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР”

V	+	-	?


“V”- ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” ..... янги маълумотлар

“?” ..... мавзуга оид туғилган саволлар

**“Т-жадвал” методи**

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хулосага келинади.

**Намуналар:**

**Франция пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари**


**Бирдамлик пенсия тизимининг афзалликлари ва камчиликлари**


**Демографик омилларнинг пенсия тизимига таъсири**


### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу. Пенсия тизимининг миллий иқтисодиётдаги ўрни

##### РЕЖА

- 1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида пенсия таъминотининг ўрни
- 1.2. Пенсия таъминоти борасидаги ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизми ва воситалари.
- 1.3. Хориж мамлакатларида ижтимоий ҳимоя тизимининг тамойиллари.

Ижтимоий ҳимоя тамойили асосида аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларни амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш пенсия тизимини янада ривожлантиришни тақазо қилмоқда.

#### 2-расм. Бозор иқтисодиёти шароитида пенсия тизимининг функциялари

<b>Пенсия тизими функциялари</b>	<b>Макроиқтисодий функция</b> – миллий иқтисодиёт ва жамиятда ижтимоий ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш
	<b>Иқтисодий функция</b> – ишлаётганлар ва меҳнатга лаёқатсизлар, ёш ва кекса авлодлар, кўп ва кам даромадли аҳоли қатламлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш
	<b>Ижтимоий функция</b> – яратилган ЯИМни ижтимоий адолат тамойили асосида тақсимлаш
	<b>Сиёсий функция</b> – аҳоли қатламлари орасида ижтимоий барқарорликни таъминлаш

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, пенсия тизимини ташкил қилиш ва аҳолига пенсияни узлуксиз равишда тўлаш мақсадида мутақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний-институционал асослари яратилди. Жумладан, ёшга



доир пенсия, ногиронлик нафақаси ва боқувчисини ёқотганлик нафақасини тайинлашда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларда назарда тутилган тартибда давлат томонидан нафақа билан таъминланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди.

1-жадвал

### Ўзбекистонда пенсия таъминотини ривожлантириш кўрсаткичлари<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2001 й.	2005 й.	2010 й.	2012 й.
Аҳолини ижтимоий ҳимоя идораларида ҳисобда турувчи пенсионерлар сони, минг киши	3203,8	3229,5	3265,8	3071,3
Ёшга доир тайинланган минимал пенсия миқдори, минг сўм	7233,0	18605	97300	155700
Тайинланган ўртача пенсия миқдори, минг сўм	10909,9	31710,5	171900	274000
Тайинланган ўртача пенсия миқдори (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)	147,2	143,5	127,1	125,4

Пенсиялар иқтисодий мақсадга кўра ижтимоий суғурта сифатида иш ҳақи ёки оилавий даромаддан маҳрум бўлганда уларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилган. Пенсия тизими суғурталаш асосида шакллантирилади ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш ҳамда конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун мўлжалланган пул маблағлари фондидан фойдаланилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар барча жабҳаларни, жумладан. Пенсия таъминотини ҳам қамраб олади. Чунки барча ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир. Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожланишига ҳам боғлиқдир. Замонавий ва самарали пенсия тизимларидан бири жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш куйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

**Пенсия ёшидаги одамларнинг даромадларини самарали ва адолатли тарзда сақланишини таъминлайди;**

**Тўланадиган пенсия бадаллари ва бериладиган пенсия миқдорлари**

<sup>1</sup> «Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2004» Стат. Сб. – Т., 2005. С. 79; «Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2006» Стат. Сб. – Т., 2007. С. 78; «Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2013» Стат. Сб. – Т., 2014. С. 54 маълумотлари асосида тузилган.

**ўртасидаги боғлиқлик даражаси ортади;**

**Узоқ муддатли инвестицияларга бўлган талабнинг қондирилиш даражасининг ошишига олиб келади.**

Пенсия таъминоти хусусидаги ёндашувнинг моҳияти шундаки, ҳар бир инсон ўз ҳаёти учун зарур бўлган шарт шароитларни яратиш ҳуқуқига эга. Бу эса, давлат пенсия тизимини фуқароларнинг иш ҳақи ва инвестицион даромадлари ҳисобидан пенсия бадаллари тўлашга асосланган нодавлат структуралари билан алмаштиришни кўзда тутаяди.

*3-расм. Жамғариладиган пенсия тизимининг ижобий жиҳатлари*

<b>Жамғариладиган пенсия тизимининг ижобий жиҳатлари</b>	<b>Жамғариладиган асосга ўтган пенсия тизими ялпи миллий жамғариш ҳажмини оширади ва инвестициялар миқдорининг ўсишига олиб келади;</b>
	Хусусий бошқарув остидаги пенсия тизимини рақобат ва сиёсий аралашувдан ҳоли бўлганлиги туфайли давлат пенсия тизимига нисбатан самарали бўлади;
	Жамғариладиган пенсия тизими демографик муаммоларга боғлиқ бўлмайди;
	Жамғариладиган пенсия тизими пенсиялар миқдорини инсоннинг иш ҳақи ва пенсия жамғармаларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ равишда табақалаштириш имконини беради.


Лекин юқорида қайд бэтилган ижобий жиҳатлар билан бирга, жамғариладиган пенсия тизими қатор муаммоларга ҳам эга (4-расм)

*4-расм. Жамғариладиган пенсия тизими муаммолари*

<b>Муаммолар</b>	<b>Аҳолидан пенсия тизимларининг хусусияти, молиявий инструментлар тўғрисида етарли билимга эга бўлишни талаб этади.</b>
	Жамғариладиган пенсия тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб бўлиб, аниқ тартибга солишни талаб этади.
	Жамғариладиган пенсия тизимида муваффақиятсиз инвестицион қарорлар қабул қилиниши ёки активларни бошқариш харажатларининг ортиши натижасида жамғармалар миқдори камайиши мумкин.

Пенсия тизимида кўп сонли рисклар мавжуд бўлиб, тизим иштирокчилари унинг муваффақиятсизлиги учун тўлиқ жавобгарликни зиммаларига оладилар. Давлат фақатгина уларга минимал пенсия миқдорини таъминлашда кўмаклашиши мумкин.

5-расм. Пенсия тизимининг асосий мақсадлари



Пенсия таъминоти амал қилишининг илмий ва ижтимоий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ушбу муаммонинг долзарблиги аҳоли туғилишининг камайиши ва ўртача яшаш ёшининг ортиши, аҳолининг кексайиши билан белгиланади. Демографик прогнозларга кўра ривожланган мамлакатларда яқин истиқболдаги эллик йиллик мобайнида аҳолининг кексайиши кучайиб бориши жаҳон тараққиётида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. (2-жадвал)

2-жадвал

Жаҳондаги демографик тенденциялар прогнози  
(1995-йилда аҳоли сони -1=100)

	1995	2000	2010	2020	2030	2050	2050-йилда 1995-йилга нисбатан ўсиш %да
АҚШ аҳолиси	100,0	104,8	113,0	119,8	124,7	172,2	72,2
демографик юк	19,2	19,0	20,4	27,6	36,8	38,4	200
Япония аҳолиси	100,0	101,3	102,2	100,6	97,6	91,6	-8,4
демографик юк	20,3	24,3	33,0	43,0	44,5	54,0	123
Германия аҳолиси	100,0	100,0	97,2	94,2	90,6	81,2	-18,8
демографик юк	22,3	23,8	30,3	35,4	49,2	51,9	232
Франсия аҳолиси	100,0	102,2	104,9	106,9	107,8	106,1	6,1
демографик юк	22,1	23,6	24,6	32,3	39,1	43,5	196

Италия аҳолиси	100,0	100,1	98,2	95,3	91,9	82,6	17,4
демографик юк	23,8	26,5	31,2	37,5	48,3	60,0	252
Буюк Британия аҳолиси	100,0	101,0	102,2	103,5	103,9	102,0	2,0
демографик юк	24,3	24,4	25,8	31,2	38,7	41,2	170
Канада аҳолиси	100,0	105,0	113,2	119,7	123,1	122,7	22,7
демографик юк	17,5	18,2	20,4	28,4	39,1	41,8	239
Шветсия аҳолиси	100,0	101,8	103,8	105,7	107,0	107,0	7,0
демографик юк	17,4	26,9	29,1	35,6	39,4	38,6	222

*Изоҳ: демографик юк 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг 15-64 ёшдаги аҳоли сонига нисбати сифатида аниқланади.*

Аҳолининг кексайиши, бандлик миқёси ва шакллارининг ўзгариши (банд бўлганлар умумий сонининг қисқариши, норасмий ва қисман бандликнинг, уй хўжалигида бандликнинг тарқалиши) бирдамликка асосланган пенсия тизимида кексаларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган давлат харажатларининг ЯИМдаги улушини ортишига сабабчи бўлади ва жамиятнинг меҳнатга қобилиятли аъзоларига тушадиган демографик юклама ортиб боради.

Бироқ пенсионерлар даромадини таъминлашда ҳал қилувчи рол давлат тақсимловчи пенсия тизимига тегишли бўлади. Иқтисодий ўсиш ва пенсия ёшидаги шахсларни молиявий таъминоти масалаларини агар уч пенсия тизими ривожлантирилса самарали амалга ошириш мумкин деган хулоса чиқариш мумкин:

1. Кексалар ўртасида камбағалликни қисқартиришни мақсад қилиб қўювчи ва мажбурий иштирокни талаб этувчи, давлат томонидан бошқариладиган тақсимлаш тизими.

2. Хусусий бошқарувда турадиган мажбурий жамғариш тизими.

3. Ихтиёрий жамғариш тизими. Бундан пенсия ёшидаги шахсларни молиявий таъминлаш тизимининг уч асосий функциясини ажратиш мумкин бўлади – даромадларни қайта тақсимлаш, маблағларни жамғариш ва суғурталаш. Бу ҳолатда биринчи тизим даромадларни қайта тақсимлаш, иккинчи ва учинчи тизимлар эса – маблағларни жамғариш функциясини бажаради ва бу уч тизим кексайган ёшдаги рискларнинг кўпгина омилларидан қўшма суғурталашни таъминлайди.

Йирик миқёсли қамров ва нисбатан кекса аҳолини таъминловчи йирик миқёсли давлат жамғариш дастурли мамлакатлар учун давлат пенсия режаси ислохотларини ўтказишда биринчи қадам пенсияга чиқиш ёшини ошириш, муддатдан олдин имтиёзли пенсияга чиқиш шартларини камайтириш ва кечроқ пенсияга чиқишни рағбатлантириш, нафақа ва бадаллар шартларини пасайтириш тавсия етилди. Мазкур ислохотлар бугунги кунда барча

ривожланган мамлакатларда амалга оширилмоқда. Ислоҳотларни амалга оширишдаги иккинчи қадам иккинчи мажбурий жамғариш режасини яратишни назарда тутди. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

Бадалларни иккинчи мажбурий режа фойдасига қайта тақсимлаш ёки давлат нафақаларини нисбатан доимий даражада сақлаш йўли билан бирга давлат режалари миқёсини доимий чеклаб бориш, бироқ бадаллар ва уларнинг қайта тақсимланиш меъёрларини оширишни иккинчи режада амалга оширишга ИХТТнинг бир қатор мамлакатларида босқичма-босқич у ёки бу ўзига хос хусусиятлари билан ўтишга киришилди.

3-жадвал

### Пенсия тизимларининг қиёсий кўрсаткичлари

Мамлакатлар	Молиялаштириш	Пенсияга чиқиш ёши (эркак-аёл)	Суғурга бадалини тўлаш даври	пенсия тайинлаш учун даромадлар ҳисобга олинмаган давр	энг юқори қоплаш коэффициенти	Нафақаларни индексациялаш
АҚШ	қисман жамғарувчи	65-66	35	Бутун меҳнат даври	41,0	Истеъмол нархлари индекси бўйича
Япония	қисман жамғарувчи	60-55	40	Бутун меҳнат даври	30,0	Соф иш ҳақи
Германия	тақсимловчи	65-65	40	Бутун меҳнат даври	60,0	Соф иш ҳақи
Франсия	тақсимловчи	60-60	38	Энг нафли 12 йил	50,0	Истеъмол нархлари ғбрутто иш ҳақи бўйича
Италия	тақсимловчи	62-57	40	Охирги 5 йил	80,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ
Буюк Британия	тақсимловчи	65-60	50	Бутун меҳнат даври	20,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ
Канада	тақсимловчи	65-65	40	Бутун меҳнат даври	25,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ
Шветсия	қисман	65-65	30	Энг нафли	60,0	Истеъмол

	жамғарувчи			15 йил		нархлари индексига мувофиқ
--	------------	--	--	--------	--	----------------------------------

Ислохот жараёнида мутлақо янги тизимни яратиш билан бир вақтда эски тизим доирасида жамғарилган тўловлар бўйича мажбуриятлар ҳам эътирофэтилади. Чили ва Лотин Америкасининг қатор мамлакатлари шу йўлдан боришган. Чили ҳукумати 1980 йилда давлат томонидан молиялаштириладиган, банкротга учраган ПАЙГО пенсия суғуртасини, мутлақо янги схемага алмаштирди. Хусусий тарзда бошқариладиган мажбурий пенсия жамғармасининг миллий тизими барча жисмоний шахслар учун пенсияларнинг энг кам миқдорини кафолатлайди. Хизматчилар ижтимоий таъминотга солиқ ажратмалари қилишлари билан бирга ўзларининг иш ҳақларининг 10 %ни 21 та хусусий пенсия жамғармаларидан бирига номли ҳисобларига қўйиши мумкин. Дастур иштирокчиларининг пенсияси уларнинг охириги ўн йиллик иш ҳақларининг (йиллик) ўртача 70 %ини ташкил этиши керак. 1995-йил маълумотларига кўра Чилидаги 21 пенсия жамғармаи 3 млн фаол жамғарувчига эга бўлган ва 23 млрд АҚШ доллари миқдоридаги активлари бошқарган. Бу миқдор Чили ЯИМининг ярмини ташкил этади. Пенсия жамғармалари фақат инвеститсион фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Кам риск билан портфелни ҳар томонлама кенгайтиришни таъминлаш, товламачилик ва самарасиз бошқарувни олдини олиш мақсадида махсус ҳукумат агентлиги томонидан қатъий давлат назорати амалга оширилади. Жамғармалар жамғармаларни сир сақлаган ҳолда йилда уч маротаба жамғарувчилар рўйхати, жамғармаларнинг молиявий фаолияти кўрсаткичлари, шунингдек, жамғарилган қолдиқлар ва шахсий ҳисоблар бўйича даромад ставкасини эълон қилиб бориши керак. Ҳукумат провард суғурталовчи сифатида майдонга чиқади, бироқ шахсий пенсия жамғармалари бюджетдан ажратилган ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас. Чили пенсия тизими пенсия тўловларининг маълум миқдорини муайян жамғармага йўналтирган ҳолда, жамғармалар ва тўловлар миқдори ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни яратди.

Нодавлат жамғариш схемасига эътиборнинг кучайиши ва уни пенсия суғуртасининг комплекс тизимида қўллаш барча ривожланган мамлакатлар учун хос хусусият ҳисобланади. Дастлаб жамғариш тизимининг шаклланиши тасодифий кўринишда, тизимсиз амалга оширилган. Пенсия дастурларини ишлаб чиқишда етакчилар асосан фирма доирасида фикр юритишиб, ҳукуматга тартибга солувчилик ролини қолдиришган. Бугунги кунда давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молиялаштириладиган жамғариш пенсия тизими тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бундай тизимлар пенсионерлар даромадини қўллаб-қувватлашни таъминлайди ва корхоналарга инсон ресурсларини бошқаришнинг самарали дастурини яратиш имконини беради. Нодавлат пенсия режаларига эътиборнинг ортиб боришига қарамасдан, ривожланган мамлакатларда пенсия ислохотларини амалга оширишдаги устувор йўналиш тақсимлаш чизмасини

янги шароитларга мослаштириш бўлиб қолмоқда. Бу борада Германия, Франция, Италия, Шветсия, Буюк Британия, АҚШда муайян қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги мослаштирувчи чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат бўлди:

- Пенсияларни индексациялаш тартибини ўзгартириш ва истеъмол нархларининг ўсиш суратига асосан индексация қилиш;
- Пенсияга чиқишнинг ёш чегарасини ошириш ва зарурий меҳнат стажи давомийлигини узайтириш;
- қоплаш коэффициентини пасайтириш;
- мажбурий касбий жамғариш схемасини киритиш ва давлат тақсимлаш тизимини муҳтожликни текшириб қўришга асосланган пенсия таъминотига айлантириш.

Давлат тақсимлаш тизимида у ёки бу чоралар тартибини танлашни эса мамлакат пенсия тизимида вужудга келган ҳолат, демографик вазият тавсифи, жамиятда амал қилаётган адолатлилик тўғрисидаги тушунчалар, сиёсий қарашлар белгилаб беради. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш фақат универсал характерга эга базавий пенсия доирасида амалга оширилиши ва бир вақтнинг ўзида хусусий пенсия жамғармалари ва индивидуал пенсия режалари миқёси кенгайтириб борилиши керак.

Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил этиш асосида уч концепсияни алоҳида ажратиш мумкин (4-расм).

4-расм. *Пенсия тизимини ислоҳ этиш концепсиялари йўналишлари*



Ислоҳотнинг мазмуни мамлакатнинг сиёсий тизими ва иқтисодий шарт-шароитлари билан боғлиқдир.

Давлат пенсия таъминоти тизими – иқтисодий ислохотлар шароитида фуқароларни қариллик, касаллик, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотиш, боқувчисини йўқотганлик, ишсизлик ҳолатларида моддий таъминланишларига бўлган конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлаши лозим бўлган асосий ижтимоий ҳимоя институтларидан биридир. Олинадиган маблағлар миқдори суғурта (меҳнат) стажи давомийлиги, иш ҳақи миқдори, меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига боғлиқ бўлади ва қонун асосида тартибга солинади.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланиладиган, ижтимоий кафолатлар тизими ва молиявий институтларни ташкил қилиш воситалари ва тамойиллари, атамалари, ижтимоий ва касбга оид хавф-хатарлар, суғурта бадаллари ва тўловларнинг эквивалентлиги, ижтимоий хавф-хатар ва суғурта тарифларининг боғлиқлиги, шунингдек, ушбу тизимнинг бошқа классик элементлари – аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳаётий муҳим тартибга солувчиси эмас, балки мавҳум категориялар сифатида тасаввур қилинмоқда.



## 2-мавзу: Давлат томонидан пенсия тизимини тартибга солиш.

### *РЕЖА:*

**2.1. Давлатнинг пенсия таъминоти борасидаги сиёсатининг мазмуни ва вазифалари.**

**2.2 Пенсия таъминоти борасидаги ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизми ва дастаклари.**

Аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги кўрсаткичлари унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлик ҳолати ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси орқали намоён бўлади.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг асосий сабаби, давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларни бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир ва бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб мамлакатлар (узоқ муддатли истиқболда) пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган ўзига хос сиёсат олиб борадилар. Пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсад туради:

- фуқароларни кексайганда қашшоқликдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланадиган иш ҳақига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;
- келажакда пенсия тизими орқали фуқарони турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади, бу иқтисодий ислохотлардан бири давлатнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш республикамизда ислохотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, унинг муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади. Ўтиш даври ижтимоий сиёсатнинг кучи ва аҳамияти унинг инсонга, уни ҳимоялашга инсонпарварларча қаратилишидан иборат.

Ижтимоий таъминотнинг энг муҳим иқтисодий функцияси меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Бугунги кунда аҳоли ёшининг таркибий тузилиши

республикамиздаги барча ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмоқда, бу соҳадаги долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ижтимоий масалаларни, жумладан, ижтимоий ҳимоя, пенсия таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлар эканлигини белгилаб бермоқда.

Миллий иқтисодиётдаги пенсия тизими тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, мамлакатда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Унинг маблағлари фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат сингари иқтисодиёт субъектлари даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўтиш иқтисодиётининг кўп укладли хусусиятига мувофиқ мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналардан иборат бўлади.

Бу даврда ижтимоий ҳимоя соҳасининг кенгайиши объектив омиллар билан тавсифланади. Урушдан кейинги йилларда кўпгина ғарб мамлакатлари иқтисодиётида сезиларли структура силжишлари юз берди. Меҳнатнинг мураккаблашуви, саноат ишлаб чиқариши воситаларининг қимматлашганлиги ишловчилар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва улар масъулиятни оширишни тақозо эта бошлади. Бу меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, дам олишни яхшилаш, уй-жой шароити ва турмуш тарзини ўзгартириш билан боғлиқ муаммоларни кескинлаштиради. Меҳнат 75 унумдорлиги, интенсивлиги ва меҳнат сифатини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни замонавий ташкил қилиш, иш ва ҳаётнинг жадал суръатлар билан бориши инсон организмнинг қаришига, асаб ва бошқа турли хасталиклар, касб касалликларининг ортишига олиб келади. Юқорида қайд этилганлардан кўпгина ғарб мамлакатларида молиялаштириш ижтимоий суғурта ёрдамида амалга ошириладиган меҳнат фаолияти сифатини ошириш - яъни меҳнат шароити ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, тиббий хизмат тармоқларини кенгайтириш ва сифатини тубдан ўзгартириш, ишловчиларнинг иш ҳақини йўқотиш билан боғлиқ моддий аҳволини яхшилаш заруратини юзага келтирди.

Пенсия таъминоти амал қилишининг илмий ва ижтимоий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ушбу муаммонинг долзарблиги аҳоли туғилишнинг камайиши ва ўртача яшаш ёшининг ортиши, аҳолининг кексайиши билан белгиланади. Демографик прогнозларга кўра ривожланган мамлакатларда яқин истиқболдаги эллик йиллик мобайнида аҳолининг кексайиши кучайиб бориши жаҳон таракқиётида қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Аҳолининг кексайиши, бандлик миқёси ва шаклларининг ўзгариши (банд бўлганлар умумий сонининг қисқариши, норасмий ва қисман бандликнинг, уй хўжалигида бандликнинг тарқалиши) бирдамликка асосланган пенсия тизимида кексаларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган давлат харажатларининг ЯИМдаги улушини ортишига сабабчи бўлади ва жамиятнинг меҳнатга қобилиятли аъзоларига тушадиган демографик юклама ортиб боради. Бирок пенсионерлар даромадини таъминлашда ҳал қилувчи рол давлат тақсимловчи пенсия тизимига тегишли бўлади. Иқтисодий ўсиш ва пенсия ёшидаги шахсларни молиявий таъминоти масалаларини агар уч пенсия тизими

ривожлантирилса самарали амалга ошириш мумкин деган хулоса чиқариш мумкин:

1. Кексалар ўртасида камбағалликни қисқартиришни мақсад қилиб қўйувчи ва мажбурий иштирокни талаб этувчи, давлат томонидан бошқариладиган тақсимлаш тизими;

2. Хусусий бошқарувда турадиган мажбурий жамғариш тизими;

3. Ихтиёрий жамғариш тизими. Бундан пенсия ёшидаги шахсларни молиявий таъминлаш тизимининг уч асосий функциясини ажратиш мумкин бўлади – даромадларни қайта тақсимлаш, маблағларни жамғариш ва суғурталаш. Бу ҳолатда биринчи тизим даромадларни қайта тақсимлаш, 78 иккинчи ва учинчи тизимлар эса – маблағларни жамғариш функциясини бажаради ва бу уч тизим кексайган ёшдаги рискларнинг кўпгина омилларидан қўшма суғурталашни таъминлайди.

Йирик миқёсли қамров ва нисбатан кекса аҳолини таъминловчи йирик миқёсли давлат жамғариш дастурли мамлакатлар учун давлат пенсия режаси ислохотларини ўтказишда биринчи қадам пенсияга чиқиш ёшини ошириш, муддатдан олдин имтиёзли пенсияга чиқиш шартларини камайтириш ва кечроқ пенсияга чиқишни рағбатлантириш, нафақа ва бадаллар шартларини пасайтириш тавсия этилди. Мазкур ислохотлар бугунги кунда барча ривожланган мамлакатларда амалга оширилмоқда. Ислохотларни амалга оширишдаги иккинчи қадам иккинчи мажбурий жамғариш режасини яратишни назарда тутди. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

Бадалларни иккинчи мажбурий режа фойдасига қайта тақсимлаш ёки давлат нафақаларини нисбатан доимий даражада сақлаш йўли билан бирга давлат режалари миқёсини доимий чеклаб бориш, бироқ бадаллар ва уларнинг қайта тақсимланиш меъёрларини оширишни иккинчи режада амалга оширишга ИХТТнинг бир қатор мамлакатларида босқичма-босқич у ёки бу зига хос хусусиятлари билан ўтишга киришилди.

Ислохот жараёнида мутлақо янги тизимни яратиш билан бир вақтда эски тизим доирасида жамғарилган тўловлар бўйича мажбуриятлар ҳам эътироф этилади. Чили ва Лотин Америкасининг қатор мамлакатлари шу йўлдан боришган. Чили ҳукумати 1980 йилда давлат томонидан молиялаштириладиган, банкротга учраган PAYGO пенсия суғуртасини, мутлақо янги схемага алмаштирди. Хусусий тарзда бошқариладиган мажбурий пенсия жамғармасининг миллий тизими барча жисмоний шахслар учун пенсияларнинг энг кам миқдорини кафолатлайди. Хизматчилар ижтимоий таъминотга солиқ ажратмалари қилишлари билан 79 бирга ўзларининг иш ҳақларининг 10%ни 21 та хусусий пенсия жамғармаларидан бирига номли ҳисобларига қўйиши мумкин. Дастур иштирокчиларининг пенсияси уларнинг охириги ўн йиллик иш ҳақларининг (йиллик) ўртача 70%ини ташкил этиши керак. 1995 йил маълумотларига кўра Чилидаги 21 пенсия жамғармаи 3 млн. фаол жамғарувчига эга бўлган ва 23 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги активлари бошқарган. Бу миқдор Чили ЯИМининг ярмини ташкил этади. Пенсия жамғармалари фақат инвестицион фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Кам риск билан портфелни ҳар томонлама кенгайтиришни таъминлаш,

товламачилик ва самарасиз бошқарувни олдини олиш мақсадида махсус ҳукумат агентлиги томонидан қатъий давлат назорати амалга оширилади. Жамғармалар жамғармаларни сир сақлаган ҳолда йилда уч маротаба жамғарувчилар рўйхати, жамғармаларнинг молиявий фаолияти кўрсаткичлари, шунингдек жамғарилган қолдиқлар ва шахсий ҳисоблар бўйича даромад ставкасини эълон қилиб бориши керак. Ҳукумат провард суғурталовчи сифатида майдонга чиқади, бироқ шахсий пенсия жамғармалари бюджетдан ажратилган ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас. Чили пенсия тизими пенсия тўловларининг маълум миқдорини муайян жамғармага йўналтирган ҳолда, жамғармалар ва тўловлар миқдори ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни яратди.

Нодавлат жамғариш схемасига эътиборнинг кучайиши ва уни пенсия суғуртасининг комплекс тизимида қўллаш барча ривожланган мамлакатлар учун хос хусусият ҳисобланади. Дастлаб жамғариш тизимининг шаклланиши тасодифий кўринишда, тизимсиз амалга оширилган. Пенсия дастурларини ишлаб чиқишда етакчилар асосан фирма доирасида фикр юритишиб, ҳукуматга тартибга солувчилик ролини қолдиришган. Бугунги кунда давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молиялаштириладиган жамғариш пенсия тизими тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. 80 Бундай тизимлар пенсионерлар даромадини қўллаб-қувватлашни таъминлайди ва корхоналарга инсон ресурсларини бошқаришнинг самарали дастурини яратиш имконини беради. Нодавлат пенсия режаларига эътиборнинг ортиб боришига қарамасдан, ривожланган мамлакатларда пенсия ислоҳатларини амалга оширишдаги устувор йўналиш тақсимлаш схемасини янги шароитларга мослаштириш бўлиб қолмоқда. Бу борада Германия, Франция, Италия, Швеция, Буюкбритания, АҚШда муайян қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги мослаштирувчи чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат бўлди:

- Пенсияга чиқишнинг ёш чегарасини ошириш ва зарурий меҳнат стажи давомийлигини узайтириш;
- Пенсияларни индексациялаш тартибини ўзгартириш ва истеъмол нархларининг ўсиш суратига асосан индексация қилиш;
- қоплаш коэффициентини пасайтириш;
- мажбурий касбий жамғариш схемасини киритиш ва давлат тақсимлаш тизимини муҳтожликни текшириб кўришга асосланган пенсия таъминотига айлантириш.

### 3-мавзу: Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари.

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Пенсия тизимини ислоҳ этиш моҳияти ва устувор йўналишлари*
- 3.2. Пенсия таъминотини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси ва юзага келган муаммолар*
- 3.3. Ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимининг тузилиши ва стратегик аҳамияти*
- 3.4. Давлат ва хусусий пенсия таъминоти тизими концепцияси*

Мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия таъминоти муҳим ўрин тутди. Демографик омиллар таъсирида аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улущининг ортиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариб бориши барқарор, ишончли молиявий ресурслар билан таъминланган пенсия тизимини яратишнинг мақбул моделини танлашни тақозо этади. Шу муносабат билан боғлиқ ҳолда дунё мамлакатларида пенсия тизимининг таркиби, амал қилиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳон амалиётида пенсия таъминотининг куйидаги базавий институтлари мавжуд бўлиб, улар пенсия тизими моделларини гуруҳлаштириш имконини беради:

1. Ижтимоий ёрдам. Бу аксарият мамлакатларда амал қилувчи пенсия ёшидаги аҳоли таркибида камбағаллик улущини қисқартириш мақсадида амалга ошириладиган қайта тақсимот дастури ҳисобланади.

2. Мажбурий пенсия суғуртаси. Ушбу суғурта меҳнатга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рискларни суғурталаш мақсадида ёлланиб ишловчилар ва ўзини-ўзи иш билан таъминловчи шахслар томонидан мажбурий суғурта бадалларини тўлашни тақозо этади. Тақсимот ёки жамғариш тамойилларига асосланган пенсия дастурлари деярли барча мамлакатларда амал қилади.

3. Шахсий пенсия (ихтиёрий) суғуртаси. Ушбу суғурта кенгайтирилган ёки айрим ҳолатларда иккинчи институтнинг ўрнини босувчи суғурта ҳисобланиб, фуқароларнинг хоҳиш ихтиёри ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантирилади. Фуқароларнинг меҳнат фаолияти тугагандан кейин шахсий ихтиёрий суғурта уларнинг турмуш даражасига реал таъсир кўрсатади. Айрим мамлакатларда ихтиёрий пенсия суғуртаси ишчиловчиларни меҳнат фаолияти тугагандан кейинги даврда ўзини-ўзи ҳимоялашнинг муҳим механизми вазифасини ўтайди.

Мутахассислар фикрича, қайд этиб ўтилган институтларнинг барчасидан фойдаланиш нисбатан ишончли пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш имконини беради.

Илк классик пенсия тизимлари XIX асрнинг охирида пайдо бўлган. Бу

соҳадаги дастлабки тўлақонли пенсия тизими Германияга тегишлидир. 1883 – 1884 йилларда Германияда касаллар ва ишлаб чиқаришда ногирон бўлганларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилган. 1889 йилдан бошлаб эса пенсия таъминоти тизими пайдо бўлди. Кейинчалик пенсия таъминоти тизими Европанинг Дания (1891 й.), Буюк Британия (1908 й.), Франция (1910 й.), Швеция (1913 й.), Италия ва Нидерландия (1919 й.) каби мамлакатларида жорий этилди<sup>2</sup>.

XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб пенсия таъминоти барча тараққий этган мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг устувор йўналишига айланди. Шу билан биргаликда пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби кўп маротаба ўзгаргартирилди ва такомиллаштирилди.

Айрим мутахассислар пенсия тизимларини давлатнинг иқтисодиётдаги роли, хусусий ва давлат пенсия тизимлари компонентларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб гуруҳлашга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича пенсия тизимлари эволюцияси давлат моделларининг аралаш моделларга қараб, аралаш моделлардан эса хусусий моделларга қараб ривожланган (1-жадвал)<sup>3</sup>.

*1-жадвал*

### **Пенсия тизимларининг гуруҳланиши**

Давлат пенсия тизимлари	Хусусий пенсия таъминоти билан тўлдирилган давлат пенсия тизимлари	Давлат пенсия таъминоти билан тўлдирилган хусусий пенсия тизимлари	Хусусий пенсия тизимлари
Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, Италия, Сингапур	АҚШ, Канада, Австралия, Германия	Буюк Британия, Япония	Чили

Бошқа гуруҳ мутахассислар пенсия тизимларини ташкил этишнинг англосаксон (Беверидж модели) ва континентал (Бисмарк модели) тизимларини фарқлашади<sup>4</sup>. Уларнинг фикрича Беверидж моделига (Буюк Британия, АҚШ, Канада) хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат: иш ҳақи миқдорининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг юқорилиги (60-65%), тақсимот тизимида ажратилаётган бадаллар миқдорининг камлиги (иш ҳақи миқдорига нисбатан 12-14 % ёки ЯИМга нисбатан 6-7 %), қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 3-4%).

Бисмарк модели (Германия, Италия, Австрия, Франция) эса қуйидаги хусусиятларга эга: иш ҳақи миқдорининг ЯИМдаги улушининг камлиги (45-50%), бадаллар миқдорининг юқорилиги (ЯИМга нисбатан 15 %гача), қўшимча

<sup>2</sup> Мосейко В. В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства // Центр проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования. 2008. <http://www.rusrand.ru/Doklad5/Moseiko.pdf>.

<sup>3</sup> Новиков А. А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 5.- С. 67

<sup>4</sup> Роик В.Д. Эволюция пенсионных систем: мировые тенденции и опыт России // Человек и Труд. 2008. № 8. <http://www.chelt.ru/2008/8-08/roik808.html>.

пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 2-3%).

Бошқа гуруҳ иқтисодчилар пенсия тизимини ташкил этишнинг куйидаги уч хил турини фарқлашади<sup>5</sup>.

Беверидж модели. Буюк Британия, Австралия, Ирландия, Канада ва Шимолий Европанинг қатор мамлакатлари учун хос бўлиб, собиқ совет пенсия тизимига хос бўлган умумий тамойилларга эга.

Хусусий корпоратив модель. Ушбу модель АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатлари, Португалия, Бельгия, Нидерландия, Финляндияга хос бўлиб, устун даражада нодавлат пенсия фондлари фаолиятига асосланади.

Бисмарк модели. Германия, Австрия, Люксембург, Франция, Италия, Греция, Швейцарияда қўлланилади. Ушбу модель пенсия фондларини шакллантиришда иш берувчилар ва ёлланиб ишловчиларнинг тенг қатнашишларига асосланади.

2-жадвал

### ИХХТ мамлакатларида пенсияга чиқиш ёши ва кутилаётган умр давомийлиги<sup>6</sup>

Мамлакат	Пенсия ёши (йил) э/а	Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги		65 ёшда кутилаётган умр давомийлиги	
		эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Австрия	65/60	77,5	83,1	17,6	21,0
Бельгия	65/65	77,1	82,6	17,3	21,0
Венгрия	62/61	69,4	77,8	13,7	17,8
Германия	65/65	77,4	83,7	17,4	20,7
Ирландия	66/66	77,4	83,1	17,1	20,1
Португалия	65/65	75,9	83,3	16,8	20,2
Словакия	62/62	70,6	78,4	13,6	17,5
Словения	63/61	74,7	83,0	15,9	20,2
Буюк Британия	65/60	77,3	81,7	17,4	20,1
Финляндия	65/65	76,0	73,1	17,0	21,3
Франция	60/60	77,4	84,4	18,2	22,7
Чехия	63/63	73,8	80,2	15,1	18,5
Швеция	65/65	79,0	83,1	17,9	20,8
Эстония	63/61	67,2	78,8	13,1	18,5
<i>Россия</i>	<i>60/55</i>	<i>61,8</i>	<i>74,2</i>	<i>11,7 (60 ёшда - 14,1)</i>	<i>16,0 (55 ёшда - 23,6)</i>

Давлат пенсия тизимининг вазифаларини амалга оширишда куйидаги икки бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи молиявий механизм фарқланади: тақсимот ва жамғариладиган. Тақсимот тизими “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари кейинги авлод томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобидан таъминланади. Жамғариладиган тизимда эса бадаллар пенсионерларга жорий тўловларни амалга ошириш учун

<sup>5</sup> Шатохин И.Г. Пенсионные системы в России и за рубежом: Учебное пособие/Мин-во образования Российской Федерации, Яросл. гос. ун-т им. П.Г. Демидова.-Ярославль: Изд-во ЯрГУ. 2002. -С7.

<sup>6</sup> Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. //Журнал НЭА, №3(15), 2012. С.145.

эмас, балки капиталлаштирилади ва инвестициялашдан олинган даромадлар билан биргаликда кейинчалик жамғаришни амалга оширган шахсларнинг пенсия таъминоти учун фойдаланилади. Аксарият мамлакатларда пенсия тизимларида тақсимот ва жамғариладиган тамойиллари биронтасининг устуворлиги шароитида аралаш қўлланилади.

Дунё мамлакатларидаги амал қилаётган пенсия тизимларини таҳлил этишда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг кутиладиган умр кўриш давомийлиги ва пенсияга чиқиш ёши каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш лозим ва улар пенсия даражасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

3-жадвал

### ИХТТ мамлакатларида аҳолининг ёш ва жинсий таркиби бўйича гуруҳланиши, млн. киши<sup>7</sup>

Аҳоли гуруҳлари	2005 й.	2050 й.
Аҳолининг умумий сони	1129,6	1334,0
Эркаklar	554,5	652,0
Аёллар	575,1	681,9
0-15 ёшгача	231,7	211,5
16-65 ёшгача	750,5	785,8
65 ва ундан катта ёшдагилар	147,5	336,7
Боқимандалик кўрсаткичи*	22%	47%

\* 65 ва ундан катта ёшдагилар сонининг 20-64 ёшдагилар сонига нисбати

Пенсияларни молиялаштиришнинг тақсимот моделини шаклланиши ва ривожланиши ХХ асрнинг 50-70 йилларидаги демографик портлаш даврига тўғри келади. Тақсимот тизимининг ишончилиги мажбурий суғурта тўловларини амалга ошираётган ишловчилар сонининг пенсионерлар сонидан ортиқлиги ҳисобига эришилган.

Пенсияни тақсимот тизими қуйидаги афзалликларга эга:

- тақсимот механизми юқори даромадга эга бўлмаган кишиларнинг юқори даражада ҳимояланганлигини таъминлаб бера олади;
- иқтисодий ўсишга мос равишда пенсиялар миқдорини реал ошириш имконини беради;
- пенсиялар ишлаётган фуқароларнинг тўловлари ҳисобидан тўланаётгани учун кишиларнинг пенсия олиш ҳуқуқи тезда амалга оширилади.


Таҳлиллар кўрсатишича ушбу тизимнинг самарадорлиги демографик вазиятнинг ёмонлашуви шароитида кескин пасайиб кетади.

Илмий адабиётда пенсия тизимлари молиялаштириш усуллари, бадалларни амалга ошириш ва тўловларни ҳисоблаш тури, ишчи, ходимларнинг пенсия тизимида мажбурий ёки ихтиёрий равишда қатнашишига қараб гуруҳлаштирилади. Мутаносиб равишда пенсия таъминотининг асосини тақсимот (авлодлар бирдамлиги), жамғариб бориладиган (капиталлаштирилган) ёки аралаш (тақсимот-жамғариб бориладиган) пенсия моделлари ташкил этиши мумкин. Аралаш пенсия тизимининг жорий этилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сифатини ошириш, пенсионерларни қўшимча пенсия билан таъминлаш

<sup>7</sup>Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. //Журнал НЭА, №3(15), 2012. С.146.



ва уларнинг турмуш даражасини оширишни кўзда тутади.



### 1-расм. Пенсия тизимларининг турлари

Умумий тарзда, мавжуд пенсия тизимларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Пенсия таъминотининг универсал (миллий) тизимлари.
2. Суғурта принципига мувофиқ тузилган пенсия таъминотитизимлари.

Пенсия тизимларини гуруҳлаш жараёнида унинг негизига қуйидаги принциплар қўйилиши лозим:

- аҳолининг пенсия таъминоти билан қамраб олинган доираси;
- пенсия олиш ҳуқуқи учун шарт-шароитлар;
- молиялаштириш манбалари ва принциплари.

Ана шу принциплар асосида юқоридаги икки гуруҳга ажратилган пенсия тизимларининг ҳар бирига тегишли бўлган ўзига муҳим хусусиятлар навбатдаги бетда келтирилган 4-жадвалда ўз аксини топмоқда.

4-жадвал.

### Пенсия тизимларининг ўзига хос хусусиятлари<sup>8</sup>

Мезонлар	Пенсия тизимлари	
	Пенсия таъминотининг суғурта тизимлари	Пенсия таъминотининг универсал тизимлари
Таъминланиш даражаси	Стандарт	Минимал
Пенсия таъминотининг тури (қўриниши)	Олдинги даромаддан келиб чиқувчи пенсия	Олдинги даромаддан келиб чиқмайдиган базавий пенсия
Молиялаштириш	Суғурта бадаллари	Солиқлар
Пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш учун шарт-шароитлар	Суғурта ташкилотига аъзолик	Мамлакатнинг ўзида яшаш ёки фуқаролик
Ташкил қилиш	Ўз-ўзини бошқарувчи суғурта фондлари	Давлат муассасаси

4-жадвалда ўзида икки моделни мужассамлаштирувчи пенсия тизимларининг бир-биридан фарқли жиҳатлари кўрсатилган бўлса-да, ҳозирда бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган пенсия таъминоти тизими хусусида гапириш унчалик ўринли эмас. Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича пенсия

<sup>8</sup> Ваҳобов Д.Р. “Иқтисодийни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини такомиллаштириш йўналишлари” –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2012, 33-бет.

тизимлари реал воқеликда соф ҳолда эмас, балки аралаш ҳолда фаолият кўрсатмоқда. XXI аср бўсағасида жаҳон амалиётида ушбу моделларнинг яқинлашуви содир бўлиб, жаҳондаги мамлакатларнинг деярли барчасига хос бўлган демографик ва иқтисодий воқеликлар билан боғланган ҳамда пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тақозо этмоқда. Бу, хусусан, пенсияларнинг универсаллиги принципини қўллаб-қувватлаб келган мамлакатларда (масалан, Швецияда) олдинги (ўтган) даромадлар билан характерланадиган пенсия суғуртаси тизимини яратиш тўғрисида қонуннинг қабул қилинганлиги ёки қўшимча пенсия таъминоти тизимига мажбурийлик характерининг берилганлиги (масалан, Буюк Британияда) орқали намоён бўлмоқда. Бир вақтнинг ўзида, шу ерда суғурта пенсия тизимларининг аста-секинлик билан универсаллашиб бориш жараёни ҳам кузатилмоқда. Ушбу ҳолат барча пенсионерларга мувофиқ келувчи яшаш минимумини таъминлашга мўлжалланган схемаларни қўллаш ёки уларни такомиллаштириш орқали ифодаланмоқда.

Пенсия таъминотининг универсал тизимлари мамлакат ҳудудида яшаётган барча аҳолига базавий пенсияларнинг тўланишини кўзда тутди. Одатда, бу тизим доирасида кўплаб базавий пенсияларнинг миқдори олдинги иш ҳақининг миқдорига боғлиқ бўлмайди. Уларнинг бир қисми суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилса, бошқа қисми эса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Пенсияни олиш учун барча шартлар тўлиқ бажарилгандагина, пенсия тўлиқ тўланиши мумкин. Тўлиқ бажарилиши лозим бўлган бундай шартлар қаторига фуқаронинг мамлакатда ўрнатилган муддат доирасида яшаганлиги, белгиланган вақт давомида суғурта бадалларининг тўланганлиги ва бошқалар киради.

Пенсия таъминотининг универсал тизими дунёнинг Буюк Британия, Дания, Ирландия, Швеция каби мамлакатлари учун хос. Ушбу мамлакатларда пенсия тизимларини ташкил қилишнинг умумий принципиал қоидалари мавжуд бўлишига қарамасдан, бу тизимларга тегишли бўлган принципларнинг бирортаси ҳам соф ҳолда амалга оширилмаган. Шунинг учун ушбу мамлакатларда аксарият пенсия тизимлари биринчи ва иккинчи моделларнинг принциплари асосида аралаш тарзда фаолият кўрсатмоқда. Пенсия таъминоти универсал тизимининг маълумкамчилиги мавжуд бўлиб, у пенсия тўланмаларининг етарли даражада пастлиги билан характерланади.

Пенсия таъминотининг универсал тизимидан фарқли ўлароқ суғурта тизимлари қуйидаги принципларга таянади:

- иқтисодий фаол аҳолининг устувор тарзда суғурта қилиниши;
- пенсия тўланмаларининг, суғурталанганлар ва иш берувчиларнинг бадаллари ҳисобидан молиялаштирилиши;
- тақдим этилаётган пенсия тўланмаларининг суғурта стажига ва суғурталанганнинг олдинги даромади миқдорига боғлиқлиги.

Ушбу принципларга суянган пенсия таъминотининг суғурта тизимлари Европа Иттифоқининг Германия, Франция, Италия, Испания каби мамлакатларида амал қилмоқда. Бу мамлакатлардаги пенсия таъминотининг тизимлари учун ягона концепция хос бўлишига қарамасдан, уларни

молиялаштиришда, ташкил қилишда ва амалга оширишда мамлакатлар ўртасидаги айрим фарқлар мавжуд. Бу мамлакатлардаги пенсия таъминотининг суғурта тизимлари (моделлари) ўзида аралаш схемаларни мужассам этиб, улар бир вақтнинг ўзида молиялаштиришнинг тақсимлаш методларини (мажбурий пенсия суғурталари) ва ишлаб чиқариш таъминотининг қўшимча пенсия дастурларидан ҳам фойдаланадилар. Жаҳон амалиётида тақсимлаш принциpidан ташқари бадалларни капиталлаштириш принциpidан ҳам фойдаланилди. Пенсия таъминотининг суғурта тизимлари учун суғурта стажидаги узилишлар мавсумий бандлик билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни қисман ҳал этишнинг йўлларида бири пенсияларнинг миқдорини Европа Иттифоқидаги бошқа мамлакатлардаги минимал даражагача кўтариш ҳисобланади.

Амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар бир мамлакатнинг пенсия тизими ўзининг тарихий ривожланишига эга. Бу тизим ҳар бир мамлакат иқтисодий тизимининг ривожланишига мувофиқ ривожланади ва мутаносиб равишда янги хусусиятларни ўзида мужассам этади. Дунёда пенсия тизими ўзининг давлат ва нодавлат секторига эга бўлиб, катта миқдордаги молиявий ресурсларни мужассамлаштирган.

Пенсия тизими тараққиётининг таҳлили улар учун хос бўлган қуйидаги белгиларни аниқлаш имконини беради:

1. Ҳар бир мамлакатда пенсия тизимини жорий этиш иқтисодий ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Пенсия таъминоти умумий ижтимоий суғурта дастурининг бир қисми ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизимининг асосий иштирокчилари давлат ва хусусий пенсия фондлари, суғурта компаниялари ҳисобланиб, улар ходимлар ва иш берувчиларнинг тўланмалар шаклидаги (кўринишидаги) бадалларини, бир томондан тўплаган ҳолда бошқа томондан, тақсимлайдилар. Бир вақтнинг ўзида, давлат ўз даромадларининг катта бир қисмини пенсия таъминоти дастурларини молиялаштиришга йўналтириши мумкин;

2. Давлат нодавлат пенсия таъминотини тартибгасолиб туради. Бунда, баъзи бир истиснолар билан биргаликда, пенсия таъминотининг (тизимининг) давлат ва хусусий тизимлари бир-бирини ўзаро тўлдирувчилар сифатида фойдаланилади. Ушбу ҳолат тараққиётнинг ижтимоий мақсадларига эришишда бозор билан биргаликда тақсимлаш давлат механизмларининг иштирок этишидан келиб чиқади. Агар ўтган даврларда бу жараёнда давлат қайта тақсимлаш механизмларидан фойдаланиш устуворлик касб этган бўлса, кейинги йилларда эса пенсия тизимини ўз-ўзини молиялаштириш принциpigа ўтказишнинг зарурлиги тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилмоқда;

3. Пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарурлигининг глобаллашуви ислоҳотлар стратегиясининг умумийлиги билан характерланади;

4. Демографик ва макроиқтисодий омилларга мувофиқ ва уларнинг бевосита таъсири остида пенсия тизимлари ўзгариб боради. Шу муносабат билан уларга маълум муддатларда тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур ва табиий ҳисобланади;

5. Пенсия таъминоти умумийликдан хусусийликка қараб ривожланиб

бормоқда. Бунда у пенсия таъминоти иштирокчиларида қўшимча молиявий ва ташкилий имкониятлар шаклланишига мувофиқ равишда табақаланади.

Таъкидлаш лозимки, пенсия тизими пенсия бадалларини ҳисобга олиш, тўплаш, уларни инвестициялаш, пенсияларнинг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тўлаш механизми ҳисобланади. Умумий тарзда, пенсия тизимининг даромадлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иш берувчилар ва ходимларнинг суғурта бадаллари;
- инвестициялаштирилган капиталдан олинган дивидендлар;
- фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказиладиган жамғармаларива бошқалар.

Ўз навбатида, пенсия тизимининг харажатлари умумий кўринишда, пенсия тўланмалари ва маъмурий бошқарув харажатларидан ташкил топади.

Халқаро амалиётда пенсия таъминоти (tizими)нинг самарадорлиги «даромадларнинг қоплаш коэффиценти» орқали ўлчанади. Халқаро Меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра қоплаш коэффиценти 40 %дан кам бўлмаслиги лозим. Бир вақтнинг ўзида, ушбу ҳолатни аниқлашни бошқа мезони «боғлиқлик коэффиценти» ҳам амалиётда қўлланилади. Ушбу коэффицент пенсионерлар сонининг банд бўлган ходимлар сонига нисбати орқали ҳисобланади.

Фикримизча, пенсия тизимларини гуруҳлашда уларни молиялаштириш усуллари муҳим белги сифатида эътироф этилиши лозим. Шунта кура, қайта тақсимлаш тизими бирдам ҳисобланади ва у пенсионерларнинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳозирда ишлаётган авлодлар ҳисобидан молиялаштирилишини англатади. Ушбу тизим, одатда, давлат тизими ҳисобланиб, ўзида ижтимоий йўналтирилган пенсия таъминотини мужассам этади. Молиялаштиришнинг қайта тақсимлаш принципи бойлар даромадларининг камбағалларга, меҳнатга қобилиятлилардан меҳнатга қобилиятсизларга гуруҳлараро “қайта тақсимланиш”ига олиб келади.

Қайта тақсимлаш тизими учун хос белги ҳам мавжуд. Бу белги “яширин қарзнинг” мавжудлиги билан белгиланади. “Яширин қарзнинг” кўлами эса “боғлиқдик коэффиценти”нинг даражасига тўғри пропорционал ҳисобланади. Ушбу тизимни камчилиги шундаки, авлодларнинг бирдамлигига мувофиқ аҳолининг қариши туфайли ишловчилар сонининг қисқариши пенсия тизими даромадларининг қисқаришига олиб келади.

Қайта тақсимлаш тизимидан фарқли ўлароқ, жамғариладиган пенсия тизимлари қарилқда ҳар бир шахснинг у томонидан илгари жамғарилган капиталнинг истеъмол қилинишини тақозо этади. Бу тизимда пенсиялар молиявий жиҳатдан тўла қопланган бўлиб, аҳоли ёш таркибий тузилмасининг таъсиридан холис ҳисобланади. Жамғариладиган пенсия тизимида капитал қўшимча даромад олиш мақсадида инвестициялаштирилади. Бу тизим ўзининг иқтисодий табиатига кўра бозор иқтисодиётига хос бўлиб, иқтисодий фаолликни рағбатлантиради ва узининг юки билан мамлакатнинг ЯИМига босим ўтказмайди.

Пенсия тизимларини туркумларга ажратишнинг муҳим белгиси пенсия тўланмаларини ҳисоб-китоб қилишнинг типи ва қўлланилаётган солиққа тортишнинг кўринишидир. Агар пенсияни қайта тақсимлаш тизимида солиққа

тортишнинг роли минимумга келтирилган бўлса, жамғариладиган тизимда эса молиявий тараққиёт стратегияси нуқтаи-назаридан солиққа тортиш режимини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, солиққа тортиш режими ўтказилаётган пенсия таъминоти ислохотларнинг суръатларига ўзининг тўғридан-тўғри таъсирини кўрсатади. Бундай тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш ўзига хос тарздаги тўсиқ шаклида намоён бўладики, унга мувофиқ пенсия бадаллари зарурий тўланмаларни молиялаштириш учун ёки инвестиция мақсадларига фойдаланиши мумкин. Жамғариладиган пенсия тизимида молиявий ресурслар бадалларни ўтказиш босқичида, инвестицион даромадни ҳисоб-китоб қилиш, маблағларнинг ўсиши ва тўланмаларни тўлаш босқичида солиққа тортилади.

Умуман пенсия тизимининг тараққиёти зиддиятли характерга эга. Бу, бир томондан, ходимларнинг кексалик ёши, меҳнат қобилияти, боқувчисини йўқотганда даромадлардан маҳрум бўлишдан ҳимоя қилувчи ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи тизим бўлса, иккинчи томондан эса, пенсия тизими мамлакат молия тизимининг таркибий қисми сифатида унинг молиявий ресурсларини қайта тақсимлашда иштирок этади.

Пенсия тизимининг самарали фаолият кўрсатишида куйидаги икки омил, яъни 1) ишловчиларнинг мотивацияси, 2) уларнинг суғурта бадалларини тўлашдан манфаатдорликлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, пенсия тизимининг самарадорлиги унинг а) макроиктисодий, б) молиявий, в) ташкилий, г) функционал жиҳатларига бевосита боғлиқ.

Пенсия тизимини самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлашда куйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Ижтимоий суғурта, бир томондан, институтлар тизими бўлса, иккинчи томондан аҳолини ижтимоий ҳимоя шаклларида биридир. Шунингдек, ижтимоий суғурта турли ижтимоий хатарлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий тадбирлар мажмуи ҳисобланади;

2. Иқтисодий адабиётда ижтимоий суғуртага нисбатан иккита ёндашув мавжуд: а) ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат тизимининг бир қисми бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти – ишлайдиган фуқароларни қонун билан белгиланган тартибда моддий ва ижтимоий ҳолатида эҳтимоли бўлган ўзгаришлардан, шу жумладан, уларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича суғурталашдир; б) ижтимоий суғурта - давлат томонидан ташкил этиладиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тадбирлар тизими бўлиб, ишлайдиган фуқароларнинг моддий ва ижтимоий ҳолатида юз берган ўзгаришларни қоплаш ёки минималлаштиришга қаратилган;

3. Ижтимоий суғурта ижтимоий-иқтисодий категория сифатида миллий даромадни қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар тизими бўлиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисобига махсус суғурта жамғармаларини шакллантириш ва бу жамғарма маблағларини муайян универсал ижтимоий рискларга учраш оқибатида йўқотилган меҳнат даромадларини қоплаш ёки сақлаш учун фойдаланишдир;

4. Ҳозирги кундаги ижтимоий суғуртанинг фундаментал асослари Европа мамлакатларида фуқаролик жамиятини шакллантириш доктринаси ва реал

амалиёти доирасида яратилган. Унинг таркибий элементларига қуйидагилар киради: а) шахснинг эркин ривожланиши – шахсий хавфсизлик ва бирор-бир тарафдан киши эркинлигига тажовуз қилишга йўл қўймаслик; хусусий мулк ва шахсий ҳаёт ҳуқуқи; якка шахслар ўртасида, якка шахслар ва турли ҳамжамиятлар ўртасида эркин шартнома муносабатлари; индивидуал фарқларни эътироф этиш ва бошқа шахсларга ҳурмат кўрсатиш; б) ўзини-ўзи бошқариш, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, адолат, касб ва гуруҳ шаъни принциплари асосида жамиятнинг ўзини-ўзи ташкил этиш механизмлари ёрдамида кишилар турли гуруҳлари, тузилма ва бирлашмаларининг эркин ривожланиши;

5. Ҳар қандай мамлакатнинг пенсия тизими, шу жумладан Ўзбекистон пенсия тизими суғурта асосида шакллантириладиган ва аҳолининг маълум бир эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган маблағлари фондини Пенсия фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишга асосланади;

6. Умуман мавжуд пенсия тизимларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) пенсия таъминотининг универсал (миллий) тизимлари;

б) суғурта принципига мувофиқ тузилган пенсия таъминотитизимлари.

7. Пенсия тизими ушбу гуруҳларга ажратиладиганда қуйидаги принципларга асосланиши лозим: а) аҳолининг пенсия таъминоти билан қамраб олинган доираси; б) пенсия олиш ҳуқуқини шарт-шароитлари; в) молиялаштириш манбалари ва принциплари;

8. Пенсия тизими тараққиётининг таҳлили унинг учун хос бўлган қатор характерли белгиларни аниқлаш имконини берди. Уларнинг муҳимлари қуйидагилардан иборат: а) ҳар бир давлатда пенсия тизимини жорий этиш мамлакатни иқтисодий ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ; б) давлат нодавлат пенсия таъминотини тартибга солиб туради; в) пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини глобаллашуви ислоҳотлар стратегиясининг умумийлиги билан характерланади; г) демографик ва макроиқтисодий омилларга мувофиқ пенсия тизимлари ўзгариб боради; д) пенсия таъминоти (tizimi) умумийликдан хусусийликка қараб ривожланиб бормоқда;

9. Пенсия тизимларини туркумида молиялаштириш усуллари муҳим белги сифатида эътироф этилиши лозим;

10. Пенсия тизимининг самарали фаолият кўрсатишида қуйидаги икки омил, яъни ишловчиларнинг мотивацияси ва уларнинг суғурта бадалларини тўлашдан манфаатдорликлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, пенсия тизимининг самарадорлиги унинг макроиқтисодий, молиявий, ташкилий ва г) функционал жиҳатларига бевосита боғлиқ.

Хорижий мамлакатлардаги моделларда пенсия тизими бюджетдан ташқари пенсия фондлари, жамғариб бориладиган хусусий пенсия тизими, давлат ижтимоий суғурта фондлари, мажбурий тиббий суғурта фондлари, аҳоли бандлиги фондлари кўринишида ифодаланади. Жаҳон мамлакатлари пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг тажрибалари таҳлили асосида уч концепцияни алоҳида ажратиш курсатиш мумкин. Биринчи концепция – давлат пенсия тизимини корхона доирасида, касбий ва индивидуал тизимлар билан тўлдиришни назарда тутди. Иккинчи концепция – пенсия тизимининг

суғуртавий эквивалентлигини таъминлашга йўналтирилганлиги. Учинчи концепция – пенсия таъминотини давлат назорати ва қўллаб-қувватлаш асосида хусусий суғурта компанияларига юклашни назарда тутати.

Таҳлиллар, ижтимоий суғуртани ривожлантириш самарадорлигини оширишда тарихан ва ҳозирда ҳал қилувчи ўрнини пенсия тизими ўйнаётганлигини аниқлашимиз мумкин. Шу муносабат билан бошқа мамлакатларнинг пенсия тизими каби Ўзбекистон пенсия тизими ҳам суғурта асосида шакллантириладиган ва аҳолининг маълум бир эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган Пенсия фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишга асосланади. Шу маънода, ижтимоий суғуртани ривожлантириш самарадорлигини оширишда пенсия тизимининг ўрнини баҳолаш, Пенсия жамғармасининг мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш алоҳида аҳамият касб этади.

XXI аср бошларида жаҳонда бирдамлик ва жамғарилиш тизимларига асосланган пенсия тизимлари амал қилмоқда. Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва паст иш ҳақи олувчи ходимлар бирдамлигига асосланган ва у бирдамлик тамойили асосида молиялаштирилади. Бирдамлик пенсия тизими давлатга тегишли бўлиб уни корхона ва тармоқ миқёсида ташкил этиш мумкин эмас ва умуман пенсиянинг юқори даражасини нисбатан қадрсизланишига олиб келмоқда. Бирдамлик тизимининг муҳим жиҳати шундаки у қайта тақсимлаш тамойилига асосланганлиги учун пенсионерлар ўртасида камбағалликни, қашшоқликни жиддий камайтиради. XX асрнинг 70-йилларига келиб бирдамлик тамойилига асосланган пенсия тизимида пенсия фондларининг молиявий беқарорлиги кучайиб пенсия фондига тўланадиган тўловларни ошириш эҳтиёжи кучайиб бюджетдан трансфертларни ажратиш зарурати вужудга келди. Бирдамлик пенсия тизимининг салбий жиҳатларига давлатнинг пенсия тизимининг монопол ҳолатга эга бўлиши, тенглаштириш элементларини кучайиши, ижтимоий боқимандаликни ортиши ва аҳолини жамғаришга бўлган мойиллигини сусайишини киритиш мумкин. Масалан АҚШнинг ЯИМда аҳоли шахсий жамғармаларининг улуши XX асрнинг 60-70-йилларида 8%ни ташкил этган бўлса, 90-йилларга келиб ушбу кўрсаткич 5%гача тушди.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича самарали фаолият юритувчи давлат пенсия тизимлари қуйидаги халқаро талабларга жавоб бериши лозим:

- мажбурий иштирок – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланади;
  - молиявий барқарорлик – пенсия фондига тўланадиган бадаллар тўланадиган пенсия суммасини тўлиқ қоплаши керак;
  - пенсия билан таъминланганлик – пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига эришилади ва унинг қиймати пенсион бадаллар қийматига ва тўлов давомийлигига боғлиқ бўлади;
- пенсия тизими барқарорлигини мунтазам баҳолаш.

#### 4-мавзу: Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш.

##### **РЕЖА:**

- 4.1. Ўзбекистонда пенсия таъминотини ҳуқуқий-институционал асослари.
- 4.2. Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиёти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.
- 4.3. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва омиллари.
- 4.4. Ўзбекистонда самарали пенсия тизимини шакллантириш йўналишлари ва истиқболлари.

Пенсия қариганда, ногирон бўлиб қолганда, боқувчисини йўқотганда фуқароларга пул шаклида берилади. Ўзбекистонда 1928 йилдан саноатнинг алоҳида соҳаларида ишлайдиган ишчиларга, кейинчалик барча ишчиларга қариллик пенсиясини бериш вужудга келди. 1937 йилда эса хизматчиларга ҳам пенсия бериш амалга оширила бошлади. Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисига пенсия ва нафақалар тўлаш жорий қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда бутун меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ичига олган ягона пенсия таъминоти тизими вужудга келди ва аҳолининг пенсиялари маълум муддатларда ошириб борилди. Аммо пенсионерларнинг пенсиялари миқдори фақат республикамиз мустақилликка эришгандан бошлаб пенсия ҳажмида босқичма-босқич ошириб борилиши аҳолига ёрдам тариқасида ҳозир амалга ошмоқда.

Давлат пенсиялари дунёдаги кўплаб мамлакатларда мавжуд бўлиб ҳозирда ҳам амал қилиб келмоқда. Бизнинг мамлакатимизда давлат пенсиялари қариган ҳамда меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотган фуқароларни, боқувчисини йўқотган оила аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлаб туриш учун давлат томонидан бериладиган моддий таъминот 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун асосида, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлдилар”.

Ўзбекистон ҳудудида амал қилаётган, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида “Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига: эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлганда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар” деб кўрсатилганлиги мамлакатимизда пенсия ёши дунёдаги бошқа мамлакатларга қараганда анча фарқли эканлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка асосан, ёшидан қатъий назар қуйидагилар



имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

1) Кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ҳодимлар – башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, I қисм);

2) Бевосита ерости ва очик кон ишларида (шу жамладан, кон қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ҳодимлар – башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

3) Учувчилар ва учувчи синовчилар таркибига кирувчи ҳодимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъий назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхат, III қисм); юқорида қайд этиб ўтилган ҳодимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учуш ишларида бўшатиш тақдирда, белгиланган хизмат муддатини – эркаклар 20 йил, аёллар 15 йил адо этган бўлсалар;

4) Театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари: а) ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм); б) ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм); в) ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

5) Спортчиларнинг айрим тоифалари – иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

Ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади. Соғлигини ёки меҳнат қобилиятини ёқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади. Меҳнатда жароҳатланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъий назар тайинланади. Умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилгандан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъий назар тайинланади. Меҳнатда жароҳатланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

Ижтимоий пенсия қуйидагиларга белгиланади: 1 ва 2 гуруҳ ногиронларига, шу жумладан, болалиқдан ногиронларга, шунингдек, 3-гуруҳ ногиронларига; 18 ёшгача бўлган ота-онасидан бирини ёки иккисини йўқотган болаларга, 60 ва 55 ёшдагиларга (мос равишда эркак ва аёлларга).

Пенсия олиш ҳуқуқига эга оила аъзолари – боқувчиси вафот этганда унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари. Бунда вафот этган

боқувчининг қарамоғида (Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 19 ва 20-моддалари) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини ёқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва 19-модданинг “в” бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъий назар тайинланади. Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади: а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса; б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар; в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъий назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса; г) бува ва буви – агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса, ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини ёқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам ушбу ҳуқуқни сақлаб қоладилар. Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли барча қоидалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчисининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади (Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддаси).

Республикада “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда пенсия таъминотини молиялаштиришда вужудга келган муаммолар ушбу тизимни ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Пенсия таъминотини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- пенсия таъминотини бозор муносабатлари талабларига янада мослаштириш;

- пенсияларни молиялаштиришдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш;
- пенсия таъминоти харажатларини камайтириш, уларнинг мақсадли сарфланиши ва пенсия тўловларини амалга ошириш устидан назоратни кучайтириш;
- пенсия таъминотини замонавий техник усуллар орқали бошқариш;
- давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти тизимини яратиш.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда пенсия таъминотини бозор муносабатларига мослаштириш ва меҳнат стажи давомийлигининг аҳамиятини янада ошириш муаммолари алоҳида аҳамият касб этади. Пенсия тўлашда фақатгина суғурта бадаллари тўланган даврларни инобатга олиш зарур. Буларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- фуқаро ишламаган, лекин ҳозирги кунда стажга қўшиладиган даврларни аста-секин камайтириш ва кейинчалик умуман бекор қилиш;
- имтиёзли тарзда стажга қўшиладиган даврларни бекор қилиш;
- пенсиялар тайинлашда иш ҳақи чекловларини қайта кўриб чиқиш;
- пенсиялар миқдорини бевосита фуқаронинг бутун меҳнат фаолияти давомида тўлаган суғурта бадаллари миқдорига бевосита боғлаш фуқаро ишламаган даври стажга қўшиш ёки стажни имтиёзли тарзда ҳисоблашга эҳтиёж қолдирмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 42 та Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан 2 млн. 941 минг нафардан ортиқ фуқарога ҳар ойда 502,2 млрд. сўм, йил давомида 6026,7 млрд. сўм маблағ сарфланади.<sup>9</sup> Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилиниб, улар томонидан пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши устидан текширувлар амалга оширилмоқда.

*1-жадвал*

**Республикада 2004-2013 йилларда ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкалари, %да<sup>10</sup>**

	Йиллар									
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
<b>Ягона ижтимоий</b>	33,0	31,0	25,0	24,0	24,0	24,0	25,0	25,0	25,0	25,0

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари.


<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

Тўлов										
жумладан, Пенсия жамғармасига	31,6	30,0	24,2	23,5	23,6	23,6	24,8	24,8	24,8	24,8
Мажбурий суғурта бадалли	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	3,58	4,0	4,5	5,5	6,0

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, юридик шахслардан олинадиган ягона ижтимоий тўлов ставкалари 2004 йилда 33%, 2005 йилда 31% бўлган бўлса, 2006 йилдан ушбу кўрсаткич пасайиб, сўнгги тўрт йилликда 25%ни ташкил қилган. Ягона пенсия жамғармасига ижтимоий тўловлар ва мажбурий суғурта бадаллари сўнгги тўрт йилликда асосан бир меъёрда сақланиб қолмоқда.

1-график


### Пенсия олувчиларнинг таркиби, 2013 йил охирида, %да<sup>11</sup>



2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 9700,0 млрд. сўм ва харажатлари 9056,7 млрд. сўм миқдорида белгиланди. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон Қарори асосида 6,5 фоиз миқдорида белгиланди. 2015 йилда эса ушбу кўрсаткич 7,0 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилди (2-график).

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган фуқаролар сўзурта бадаллари меъёри (жисмоний шахсларнинг меҳнатга тўлов тарзидаги даромадларига нисбатан %да)<sup>12</sup>**



2011-2014 йтларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти профицит билан яқунланиб келмоқда ва ушбу даврда профицит миқдорининг юқори суръатларда ўсганлиги кузатилган. Бу еса, Пенсия жамғармасининг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади (2-жадвал).

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари<sup>13</sup>**

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш
Даромадлар млрд. сўм	6178	7583	9742	9700	157,0%
Харажатлар млрд. сўм	6055	7474	9055	9056	149,6%
Профицит (дефицит), млрд. сўм	123,4	109,5	686,6	643,3	5,2 марта

2015 йилни мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинишидан асосий мақсад – бугунги фаровон ҳаётга эришишда муносиб

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари.

ҳисса қўшган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларимизни руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб бораётган ишларимизнинг самарасини оширишдан иборат бўлган эди.<sup>14</sup>

Бу борада биринчи навбатда 5-6 йилга мўлжалланган ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг давлат дастури қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳонадонларимизнинг кўрки бўлган кексаларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўзида 2 млн. 750 минг нафар отахон ва онахонларимизнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга давлат бюджетъи ҳисобидан 12 трлн. 888 млрд. сўм пенсия тўлангани, ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторига ўртача ойликнинг 41 фоизидан зиёдини ташкил этади<sup>15</sup>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқароларга пенсия таъминлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, мавжуд ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишни даврнинг ўзи тақазо қилмоқда. Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ушбу масалада белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилинишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Халқ сўзи, 6.12.2015 й. №236 (6419)

<sup>15</sup> Каримов И.А. асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Халқ сўзи, 6.12.2015 й. №236 (6419)

## 5- мавзу: Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш истиқболлари

### **РЕЖА:**

- 5.1. Ўзбекистон жамғариб бориладиган пенсия тизими.
- 5.2. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 110-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўлик ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши, жамғариб бориладиган пенсия тизимини афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш, ушбу тизим барқарор ишлаши учун Халқ банкини босқичма - босқич замонавий компьютер техникаси ҳамда дастурлари билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишни белгилаб берилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88- сон ва 282-в сон Қарорлари билан «Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди.

ЖБПТ маблағлари қуйидаги объектларга жойлаштирилиши мумкин:  
– Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларига:

– ипотека облигацияларига:

– амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматли қоғозларга:

– банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга:

– қонунчиликда белгиланган, мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва Низомнинг 27 - банди талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими (ЖБПТ) маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштириш Кенгаши ташкил этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

– муддатлилиқ, қайтаришлиқ, даромадлиқ ва диверсификациялаш тамоийллари асосида ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини белгилаш:

– ЖБПТ маблағларининг ҳар бир жойлаштириш объектига жойлаштириладиган энг кўп ҳажмини аниқлаш:

– ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини рисклар бўйича гуруҳларга ажратиш:

– ЖБПТ маблағларини жойлаштириш ва инвестиция қилишдан олинган даромаддан Халқ банки оладиган маржа миқдорини белгилаш ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланадиган фоиз ставкасини белгилаш. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг қўшма қарорига асосан “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомда “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш, Халқ банкининг ЖБПТ маблағларини жойлаштириш бўйича мажбуриятлари, Халқ банкида ЖБПТ маблағларини ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларига қўйиладиган талаблар, ЖБПТ маблағларини жойлаштиришдан олинадиган маблағларини тақсимлаш қоидалари ўз ифодасини топган. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, жумладан молия воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб беради.

Мазкур Низомга асосан, Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ва маблағларни жойлаштириш тушунчалари қуйидагича изоҳлаб берилган:

• Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари – Халқ банкдаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамланадиган маблағлар йиғиндиси;

• маблағларни жойлаштириш – Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштиришда фойдаланиш.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими мажбуриятларини жойлаштириш тартибини кўриб чиқамиз:

– Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шаклида ўтказилган маблағлар Халқ банки филиали томонидан махсус транзит ҳисоб рақамида ҳисобга олинади ва кейинчалик Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан 22628 - «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақдаги маблағлар» баланс ҳисоб рақамида жамланиб борилади;



– Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан жамланган ЖБПТ маблағларининг умумий суммасига ҳамда календар йил давомида жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг мўлжалланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш учун йўналтириладиган бўш маблағлар ҳажми белгиланади;

– Халқ банки филиалларида махсус ҳисобварақлардаги ЖБПТ маблағлари қолдиғи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан бир ой давомида амалга ошириш учун зарур бўлган тўловлар суммасидан кам бўлмаслиги лозим;

– ЖБПТ маблағларини жойлаштириш Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланган квоталарга мувофиқ Халқ банки томонидан амалга оширилади;

– ЖБПТ маблағларини объектлари бўйича жойлаштириш квоталари ҳар чоракда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарорлари билан тасдиқланади;

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестицион йўналишида фойдаланишда мавжуд бўлган рискларни камайтиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- кредит ташкилотининг фаолият олиб бориш бўйича лозим бўлган касбий тажрибага эгаллиги;

- активларнинг минимал миқдори, таркиби ва структураси билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятнинг амалга ошириш тажрибасига эга эканлиги;

- кредит ташкилотининг ёки хўжалик юритувчи субъектни хусусий капиталининг минимал миқдори;

- корпоратив қимматли қоғозлар эмитентларнинг рентабеллилиги, молиявий барқарорлиги, иш юритиш ва бозордаги фаоллиги ҳамда амалдаги қонунчилик ва Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан белгиланган бошқа талаблар;

Низомда назарда тутилган, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланадиган бошқа объектларга жойлаштиришда уларнинг молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисидаги тасдиқланган аудиторлик хулосаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботи, Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштириш тўғрисидаги ариза беришдан олдинги уч йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда ЖБПТ маблағларини жойлаштириш масаласини батафсил кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадларини тақсимлаш Низом бўйича қуйидагича амалга оширилади:

✓ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад Халқ банки оладиган маржа суммаси чегириб ташлангандан сўнг, ҳар йили йил якунида

фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, улардаги мавжуд бўлган қолдиқ миқдорига мутаносиб равишда ўтказилади;

✓ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад, Халқ банки маржаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тавсиясига асосан дастлаб – аванс қисми йил бошида 1 февралгача, узил кесил – декабрнинг охиригача 10 кунлигида белгиланади; ✓ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган маржани, Халқ банки ва филиаллари орасида тақсимлаш тартиби Халқ банки томонидан белгиланади. Пенсия фондининг инвестицион сиёсати хатарнинг энг паст даражасида энг юқори даромад олишга қаратилиши зарур. Кутилаётган даромадни ололмаслик хатарини икки қисмга ажратиш мумкин:

- бозор хатар, бунда даромаднинг ўзгаришлари барча қимматли қоғозларнинг даромадлигига бир пайтнинг ўзида таъсир этувчи иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиқади;

78

- ўзига хос хатар, бунда даромаднинг ўзгариши, муайян компаниягагина тааллуқли бўлган ҳодисалардан келиб чиқади. Қайд этилганидек, қимматли қоғозларнинг характерли хусусияти шундаки, даромад қанчалик юқори бўлса, хатар шунчалик юқори бўлади, энг юқори даромадга эришиш учун банк ўз портфел инвестицияларга қимматли қоғозларни ҳар хил турларини киритади;

- хатар даражаси паст ва барқарор даромадли давлат облигациялари;
- акциялар;
- депозит сертификатлари, векселлар;
- ҳосилавий қимматли қоғозлар (фьючерслар, опционлар).

Тижорат банклари мутахасислари уларнинг ўзаро нисбати тахминан қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

- 50 % - давлат облигациялари;
- 25 % - банкларнинг депозит сертификатлари;
- 10 % - акциялар;
- 10 % - векселлар;
- 5 % - фьючерслар, акционлар.

Қимматли қоғозларга инвестициялаш учун пенсия фонди пул маблағлари резервларини вужудга келтиради. Бу маблағлар узоқ муддатли қимматли қоғозларга, қисқа муддатли операцияларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Инвестициялар учун мўлжалланган маблағларни қандай йўналтирилиши инвестиция сиёсатидаги устувор мақсадга боғлиқ. Хатарнинг энг паст даражасини таъминланган ҳолда энг юқори даромадга эришиш мураккаб вазифадир, уни ҳал этишда инвестор ўз инвестицион портфелини ҳар куни қайта кўриб чиқиши ва зарур ўзгаришларни киритиши лозим. Бунинг учун қимматли қоғозлар бозори ҳолатини, иқтисодий конъюнктурани ва мамлакатдаги ҳамда жаҳондаги

сиёсий вазиятни узлуксиз таҳлил этиб бориш талаб қилинади.

Иқтисодчилардан Е. Смирнова рискни юзага келишини қуйидагича таърифлаб ўтади: риск – бу динамик ҳолатда пайдо бўлиб, у доим ҳаракатда ва ривожланишда бўлади. Бундай ривожланишни “риск механизми” деб аталади, мазкур механизм рискни ўзгаришини ва вақтини белгилаб беради. Демак, Пенсия фонди ўз инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиши ва пенсия тизимини такомиллаштириб бориши талаб этилади. Бу сиёсат Фуқаролик кодексига, Бюджет кодексига, «Инвестицион фаолият тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг механизми тўғрисида» қонунларга, шунингдек инвесторларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга асосланади.

Пенсия фондининг инвестицион сиёсати фонд фаолияти барқарорлигини таъминлаш, операцияларидан фойдани кўпайтириш, хатар даражасини пасайтириш, фонд баланси ликвидлигини таъминлаб туриш мақсадларида фонднинг портфел инвестицияларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилади. Инвестицион сиёсат пул маблағларини фонднинг молиявий эҳтёжларини

80 қондиришга сафарбар этади. Пенсия фонди фаолиятидаги хатар даражасини минималлаштиришда пул маблағлари келиб тушиши ва маблағлар сарфланишини вақт бўйича мувофиқлаштириш жуда муҳим вазифадир. Даврий равишда, тўловларни бажариши муддатлари етиб келганда фонд пул маблағларининг бир қисмини портфел инвестициядан бўшатиб олади. Бу мақсадда фонд инвестицияларни ҳам, жалб этилган маблағларни ҳам вақти ва ҳажми бўйича диверсификациялайди. Масалан, фонд ресурслари муддатларига мос равишда, портфелни ҳам маблағларни шу муддатларда даромадларини бой бермасдан портфелдан бўшатиб олишни режалаштириб шакллантириши лозим. Солиққа тортиладиган базани камайтириш мақсадида Пенсия фонди бўш пул маблағларини турли молиявий дастакларга жойлаштиради. Бу дастаклар орасида солиққа тортилмайдиганлари ҳам бўлади, масалан, давлат облигациялари. Бинобарин портфел инвестициянинг бир қисмини давлат облигацияларидан шакллантириш солиққа тортиладиган базани камайтиради.

Қимматли қоғозлардан даромадлар қанчалик даражада мақбул эканлигини аниқлаш учун Пенсия фонди уларни бошқа қўйилмалар билан таққослайди. Даромадлилик қўйилган маблағлар бир йилга айлантириб ҳисобланганда қанча фоиз фойда келтираётганлигини билдиради. Турли молиявий дастакларга қўйилмалардан соф даромадни таққослаш натижасида даромадлилик нуқтаи назаридан энг афзал молиявий дастакларни аниқлаш мумкин. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг молиявий маблағлари.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1 - амалий машғулот:

#### Пенсия тизимининг миллий иқтисодиётдаги ўрни

1. Бозор иқтисодиёти шароитида пенсия таъминоти қандай ўрин тутди?
2. Пенсия таъминоти тизимда ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг механизми ва воситаларини изоҳлаб беринг.
3. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими қандай тамойиллар асоида ташкил этилган?
4. Жамғариладиган пенсия тизимининг ижобий ва салбий жиҳатларини санб беринг.

**5. Кейс топшириқ:** MS EXCEL муҳитида (“Если” ва “или”) лантикий операторларидан фойдаланиб масалалар ечиш.

#### *Вазиятли ишлангани амалга оширишдан мақсад.*

MS EXCEL муҳитида лантикий «если» ва «или» операторларини ишлатиш ҳамда тингловчиларга иқтисодий масалаларни ечишда, ушбу функциялардан фойдаланиш ва амалий мисолларга тадбиқ этиш усулларини ўргатиш.

#### *Намунавий масала.*

#### *Масаланинг қўйилиши.*

Фуқаронинг пенсия тайинлаш учун қабил қилинган ойлик иш ҳаққисидан ҳисобланадиган пенсия миқдори унинг ойлик иш ҳаққиси асосида аниқланади дейлик. Фараз қилайлик, улар минимал иш ҳаққисидан (МИХ) ошиши керак бўлсин. Агар уларнинг жами ойлик иш ҳаққиси МИХнинг 8 барабори бўлса, унга 1 041 920 сўм, агар жами ойлик иш ҳаққиси МИХнинг 5 барабори бўлса 651 000 сўм, жами ойлик иш ҳаққиси МИХнинг 1 барабори бўлса 254 000 сўм пенсия тайинланади.

Масалани ечиш учун компьютерда дастур тузилсин.

#### *Масалани компьютерда ечиш технологияси.*

Бу масалани ечиш учун MS EXCEL дастуридаги лантикий «если» операторидан фойдаланамиз. Намуна сифатида маълумотлар жадвалда келтирилган. Биринчи қадамда А1 ячейкасига фуқароларнинг фамилияси, исми-шарифи деб ёзилади. Мос равишда В1 ячейкасига МИХ миқдорлари, Е1, F1, G1 ячейкаларига эса мос равишда уларнинг суммаси, Н1 ячейкасига пенсия миқдорини деган ёзувлар киритилади ва мос равишда А, В, С, D устунлар тўлдириб чиқилади.

Е2 ячейкага 1 фандан рейтинг бали асосида талабанинг олган баҳоси ҳисобланади. Бу қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

=ЕСЛИ(В2>85;5;ЕСЛИ(В2>70;4;ЕСЛИ(В2>55;3;2))) ва у қуйидагиларни билдиради, агар В2 даги сон фуқаронинг МИХ миқдори 8 баробардан кўп бўлса, ячейкага 1 041 920 сонини ёзади, акс ҳолда кейинги ифодани текширади, яъни агар В2 даги сон 5 карра МИХдан катта бўлса ячейкага 651 000 сўм сонини ёзади, акс ҳолда кейинги ифодани текширади, яъни агар В2 даги сон 1 дан кам бўлса ячейкага 254 000 сўм сонини ёзади.

Кейинги босқичда эса, фуқаронинг ойлик иш ҳаққисига қараб пенсия тайинланади. Бу Н2 ячейкасида қуйидаги формулани ишлатиш асосида амалга оширилади

=ЕСЛИ(Е2+F2+G2=15;1041920;ЕСЛИ(ИЛИ(Е2=2;F2=2;G2=2);0;ЕСЛИ(ИЛИ(Е2=3;F2=3;G2=3);651000;1041920)))

Ф.И.Ш.	МИҲ	Пенсия
КаримовН.	0	0
Умаров О.	8	1041920
Хакимов М.	5	651 000
Усмонова С.	1	254000

## 2 - амалий машғулот:

### Давлат томонидан пенсия тизимини тартибга солиш.

1. Пенсия тизимларини тартибга солиш ва ислоҳ этиш зарурати қандай омиллар ҳисобига юзага келади?
2. Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг қандай механизм ва дастаклари мавжуд?

**Кейс топшириқ: MS EXCEL муҳитида мантикий (“ЕСЛИ”, “И”) операторлардан фойдаланиб масалалар ечиш.**

*Вазиятли ишланмани амалга оширишдан мақсад.*

MS EXCEL муҳитида мантикий «если» ва «и» операторларини ишлатиш ҳамда тингловчиларга иқтисодий масалаларни ечишда, ушбу функциялардан фойдаланиш ва амалий мисолларга тадбиқ этиш усулларини ўргатиш.

**Вазиятли ишланма учун намунавий масала:**

Бир вақтнинг ўзида бир нечта шартлар бажарилганда ечиладиган масалаларга мисол сифатида қуйидаги масалани кўриб чиқамиз.

Масала: Академия кафедраларида қуйидаги тоифадаги: профессор, доцент ва катта ўқитувчи лавозимлари мавжуд бўлиб, уларнинг иш ҳақлари мос равишда 1900000, 1650000 ва 1450000 сўм бўлсин. Бундан ташқари эркакларга 0,5% , аёлларга эса 0,8% ва фарзандларнинг сонига қараб 0,25% дан қўшимча қўшиб бериладиган бўлса олинандиган маошни ҳисоблаш дастури тузилсин.

Бу масалани ечишда албатта мантикий операторлар «если» ва «и» ларнинг биргаликдаги ҳолатларидан фойдаланамиз. Кўзга яққол кўринишлиги учун масала шартларини жадвал кўринишга келтириб оламиз. Биринчи устунга (А) Ф.И.Ш.ларни кўямиз, иккинчисига (В) - лавозимларни, учинчисига (С) жинсларини, тўртинчисига (D) фарзандлар сонини ва ниҳоят бешинчисига (Е) маошни ҳисоблаш формуласини киритамиз. Келтирилган жадвалимизда мавжуд барча ҳоллар ҳисобга олинган бўлиб, агар барчаси учун ишлайдиган умумий ягона формула тузсак масаламиз ечилади. Бу формула қуйидагидан иборат бўлиб Е1 ячейкага ёзилади:

**=ЕСЛИ(И(В2="ПРОФ";С2="Э");1900000+1900000\*(D2\*0,25+0,5);ЕСЛИ(И(В2="ПРОФ";С2="А");1900000+1900000\*(D2\*0,25+0,8);ЕСЛИ(И(В2="ДОЦ";С2="Э");1650000+1650000\*(D2\*0,25+0,5);ЕСЛИ(И(В2="ДОЦ";С2="А");1650000+1650000\*(D2\*0,25+0,8);ЕСЛИ(И(В2="Кат.ук.";С2="Э");1450000+1450000\*(D2\*0,25+0,5);ЕСЛИ(И(В2="Кат.ук.";С2="А");(1450000+1450000\*(D2\*0,25+0,8))))))))**

Ҳосил бўлган формулага қуйидагича изох бериш мумкин: агар ихтиёрий шахснинг иш ҳақи ҳисобланаётганда лавозими профессор (яъни В2="ПРОФ") ва эркак (яъни С2="Э") бўлса у ҳолда иш ҳақи 1900000 сўмга, яна болалари учун 1900000\*D2\*0,25 сўм ва эркаклиги

учун  $1900000 * 0,5$  сўм кўшимча ҳақ олади. Натижада ҳаммаси бўлиб  $1900000 + 1900000 * D2 * 0.25 + 1900000 * 0.5$  сўмга тенг бўлади. Шу каби барча ҳоллар учун изох бериш мумкин.

Бу формулани барча сатрлар учун формулаларни ёйиш усули билан ўтказамиз. Натижада жадвалимизни охириги устунда барча ҳоллар учун иш ҳақи ҳисобланганлигини кўрамиз.

### **3 - амалий машғулот:**

#### **Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари.**

- 1. Пенсия тизимини ислоҳ этиш моҳияти ва устувор йўналишлари*
- 2. Пенсия таъминотини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасида юзага келган муаммолар.*
- 3. Ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсия тизимларини молиялаштириш шакли ва таркибий жиҳатдан қандай гуруҳларга ажратилиши мумкин?*
- 4. Давлат ва хусусий пенсия таъминоти тизимларини ташкил этиш борасида қандай концепцияларни биласиз?*

**Кейс топшириқ:** Ривожланган мамлакатларда умр кўриш давомийлигининг ортиб бориши шароитида пенсияга чиқиш ёшини давлат томонидан ошириб борилиши кузатилмоқда.

*Бу ҳолат меҳнат бозорида кекса ишчиларнинг кўпайишига ва маълум даражада меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келмайдими?*

### **4 - амалий машғулот:**

#### **Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш.**

- 1. Ўзбекистонда пенсия таъминотини ҳуқуқий-институционал асослари.*
- 2. Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиёти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.*
- 3. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва омиллари.*
- 4. Ўзбекистонда самарали пенсия тизимини шакллантириш йўналишлари ва истиқболлари.*

**Кейс топшириқ:** Ривожланган мамлакатларда пенсия фондлари маблағлари иш берувчи ва ишчи зиммасига тенг тақсимланган пенсия бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Ўзбекистонда 2017 йил ҳолатига иш ҳақи фондидан иш берувчи 25 % ва ишчи 8% миқдорда пенсия ажратмалари тўлайдилар.

*Бу ҳолат иш берувчилар учун ортиқча солиқ юки бўлмайдими. Ўзбекистонда ҳам иш берувчи ва ишчи тенг миқдорда пенсия бадаллари*

*тўлайдиган тизимга ўтишининг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд?*

#### **5 - амалий машғулот:**

#### **Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш истиқболлари**

1. Ўзбекистон жамғариб бориладиган пенсия тизими.
2. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари

**Кейс топширик:** Ўзбекистонда фуқороларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказадиган пул маблағлари жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилинган. Шундай бўлсада жамғариб бориладиган пенсия тизими таркибида фуқороларнинг мажбурий равишда ўтказган пул маблағлари асосий улушни ташкил этмоқда.

*Бундай ҳолатда нима учун берилган солиқ имтиёзи фуқороларни етарлича рағбатлантира олмаяпти деб ўйлайсиз? Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?*

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Илғор иждокор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шакллариининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

“Case-study”нинг асосий мақсади – турли вазиятли, шу жумладан, педагогик вазиятли масалаларни ҳал қилиш мобайнида ўқувчиларнинг концептуал схема ва моделларидан амалий фойдаланиш малакаларини, шунингдек, муаммоларни гуруҳий таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқариш орқали билимларини мустаҳкамлашдан иборатдир<sup>16</sup>.

Ҳозирги даврда ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шакллантиришини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёлпарастлик каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларни белгилашимиз ва таълимнинг олинishi зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;

---

<sup>16</sup> А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: Фан ва технологиялар, 2014 й.



- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш<sup>17</sup>.

Кейслар методи (*Case method*) ёки кейс-стади (*case-study*), аниқ вазиятлар анализи (таҳлили) методи бўлиб, реал ижтимоий, иқтисодий, бизнес вазиятлар таърифидан фойдаланувчи таълим техникаси ҳисобланади. Таълим олувчилардан берилган вазиятни таҳлил қилиш, муаммолар моҳиятини англаш, ушбу муаммоларнинг муқобил ечимларини излаш ва улар орасидан энг афзалини танлаш талаб этилади. Кейслар реал далилли материалларга ёки реал вазиятга максимал равишда яқинлаштирилган маълумотларга асосланади. Ушбу метод дастлаб 1924 йилда Гарвард бизнес мактаби (*Harvard Business School*)да қўлланган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес йўналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд эмаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш ҳамда мана шу менежерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батавсил ҳисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларига у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият таърифи ушбу вазият таҳлил қилиниши ва мустақил равишда ёки жамoa бўлиб мунозара ташкил этиш воситасида унинг ечими топилиши учун бериларди. Кейс методи бизнес йўналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилади. Кун сайин ушбу технологиянинг тарафдорлари ортиб бормоқда. XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб бизнес-кейслар Ғарбий Европа мамлакатларида оммалашади. Европанинг етакчи бизнес мактаблари INSEAD, LBS, HEC, LSE, ESADE ва бошқалар кейс-стади таълим технологияси воситасида дарс берибгина қолмай ушбу кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошлайдилар. 2000 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кейс-стади таълим технологиясига қизиқиш ортиб боради – олийгоҳлар қошида турли тўғараклар (Кейс клублар) ташкил этила бошлайди. Бундан ташқари турли ташкилотлар кейс-стади юзасидан беллашувлар ва бошқа тадбирларни уюштира бошлайдилар (масалан, *Changellenge>>*, *FutureToday*). 1909 йилдан 1919 йилгача бўлган даврида кейс методида асосида таълим қуйидаги схема асосида ташкил этилган: амалиётчи талабаларга аниқ вазиятни баён этиш, ундан сўнг ушбу вазият анализини бериш ва ниҳоят муаммо ечимини аниқлаш ва исботлаш кўрсатмаси берилар эди. Энг биринчи кейслар тўплами 1921 йилда (*Dr. Copeland, Dean Donhman* томонидан) чоп этилган эди.

2000 йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб чет эл олий ўқув юртларида табиий фанлар ва техник фанларни ўқитишда кейс-стади технологиясидан фойдаланиш тенденцияси кузатилиб, ҳозирги кунда кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълимнинг етакчи усулларида бўлиб қолди., энг умумий тарзда кейс-стади технологиясининг моҳияти қуйидагича изоҳланиши мумкин: ушбу технология воситасида ўқувчи (талаба)га реал ҳаётий вазиятни

<sup>17</sup> Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989.

англаш таклиф этилади, айти пайтда бу вазиятнинг тавсифида нафақат у ёки бу амалий муаммо, балки шу муаммони ечиш натижасида эгалланиши зарур бўлган билимлар комплекси актуаллашиши ҳам кузатилади. Таъкидлаш жоизки, муаммонинг ўзи моҳиятан ечимга эга бўлмайди.

Кейс-стади таълим технологиясининг Россия таълим тизимига кириб келиши XX асрнинг 70-80 йилларига тўғри келсада, амалда ушбу технологиянинг таълим тизими шароитида оммалашуви XXI асрнинг бошларига тўғри келади. Россияда ушбу методни ишлаб чиқиш ва асослашга Г.А. Брянский, Ю.Ю. Екатеринославский, О.В. Козлова, Ю.Д.Красовский, В.Я. Платов, Д.А. Поспелов, О.А. Овсянников, В.С. Рапопорт ва бошқалар ҳисса қўшдилар. Айти пайтда Ўзбекистон таълим тизимига ҳам кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълим технологилари қаторида кириб келган ва бугунги кунда энг самарадор методлардан бири ҳисобланади.

Кейс-стади таълим технологияси – бу таълимдаги методик янгилик бўлибгина қолмай, балки унинг таълим тизимида кенг ишлатилиши замонавий таълим тизимидаги вазиятга ҳам боғлиқ. Айтиш мумкинки, ушбу технология асосан янги билим, кўникмаларни ўзлатиришга эмас, ўқитувчи ва талабаларнинг умумий интеллектуал ва коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Кейс-стади интерактив таълим методи сифатида талабалар томонидан энг афзал кўриладиган методлар қаторига кирмоқда. Бунинг сабаби сифатида ушбу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда мустақилликка эга бўлиш имкониятини беришида кўриш мумкин. Ўз навбатида вазиятларнинг анализи (тахлили) талабаларнинг профессионализация жараёнига кучли таъсир ўтказа олиши, уларнинг касбий жихатдан “улғайишига” хизмат қилиши, таълим олишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивациянинг шакллантириши алоҳида аҳамиятга эга. Кейслар методи ўқитувчининг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ноанъанавий тарзда фикрлаш имкониятини беради. Бунга албатта, таълим тизимининг демократлашуви ва модернизациялашуви, педагогик креативликка очилган кенг йўл, уларда прогрессив тафаккур услубини ҳамда педагогик этика, педагогик фаолият мотивациясини шакллантириши ҳам мисол бўла олади<sup>18</sup>.

Кейс-стади таълим технологияси таркибидаги кейсдаги ҳаракатлар тавсиф кўринишида берилиши мумкин, бунда талабадан ушбу тавсифни англаш, яъни тавсифланган вазиятнинг натижалари, эффективлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб этилади. Акс ҳолда улар муаммонинг ечимлари сифатида таклиф этилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам амалий ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш таълим олувчиларнинг касбий фазилатларини шакллантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

В.Я. Платов кейс-стади технологиясининг қуйидаги афзал ва бошқа таълим технологияларидан ажралиб турувчи жихатларини белгилайди:

---

<sup>18</sup> Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989.

1. У ёки бу ижтимоий-иқтисодий тизим моделининг мавжудлиги ҳамда ушбу модел ҳолатининг муайян вақт бирлиги ичида таълил этилиши;
2. Муаммо ечимини аниқлашга жамоавий тарзда эришиш;
3. Муаммонинг ечимида турли альтернативаларнинг мавжудлиги. Ягона ечимнинг мантиқан мавжуд эмаслиги;
4. Муаммо ечимини излашда яхлит мақсад;
5. Фаолиятни баҳолашнинг гуруҳий тизимининг мавжудлиги.

Ушуб ўзига хосликлар ва бошқа омиллар таъсирида кейс-стади таълим технологияси таълим тизими шароитида кенг тарқалмоқда. Аммо ушбу методнинг таълим тизимида самарали қўлланишида бир қатор мураккабликлар ҳам кузатилади. Энг аввало улар педагог кадрларнинг тегишли методнинг методологик асосига юзаки ёндашуви натижасида вужудга келади. Кўпинча, кейс-стади таълим технологияси остида таълим тизимига “сохта”вазиятлар, бошқача айтганда “ҳаётий” вазиятларнинг кириб келиши кузатилади, таълимий мунозара эса “ҳаёт ҳақидаги суҳбат”га айланади. Аммо айна пайтда кейс-стади таълим технологияси ўқитувчининг касбий компетентлигини ошириш воситаси бўлиб, таълимнинг тарбиявий, таълимий ва тадқиқотчилик функцияларини бирлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Ушбу методнинг самарадорлигини оширувчи яна бир омиллардан бири унинг бошқа таълим методлари билан осон бирикишидир.

Кейс-стади таълим тизимининг категориал аппаратини шакллантириш ундан фойдаланишнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради ҳамда таълим жараёнида методнинг технологизациясига йўл очади. Кейс-стади таълим технологиясининг асосий тушунчалари қаторига “вазият” ва “анализ”, бу икки тушунчанинг уйғунлашувидан келиб чиққан “вазият анализи” киради. Фалсафи нуқтаи назардан “вазият” атамаси ўз ичига бир қатор контекстларни бирлаштиради. Шунинг учун, ушбу атама юқори даражадаги барқарорсизлик билан тавсифланувчи ва ўз таркибида бир қатор зиддиятларга эга бўлган муайян ҳолат сифатида изоҳланиши мумкин. Вазият аксария ҳолларда ўзгариш мойиллигига эга бўлиб, унинг ўзгариши ушбу вазиятда иштирок этувчи инсонларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Вазият инсонлар таъсирига нисбатан очик бўлиб, инсонларнинг хатти-ҳаракатлари эса бу вазиятда ўз мақсадларига эришишлари ва қизиқишларини қондиришларига боғлиқ бўлади. Вазиятлар шундай ижтимоий тизимларда “пайдо бўлади” ки, уларда хулқ-атворнинг қаттиқ детерминацияси кузатилмайди, ижтимоий соҳада кўплаб ижтимоий кучларнинг ўртасида ўзаро таъсир, рақобат ва кураш мавжуд бўлади. Шу туфайли вазиятлар анализига асосланган ҳар қандай метод каби кейс-стади таълим технологияси плюрализм, ўз-ўзини англаш ва жамоавийлик, айна пайтда мустақилликни тақозо этади.

Кейс-стади таълим технологиясининг яна бир баъзавий категорияси бу “анализ”дир. Анализ категорияси объектни ҳаёлан бўлакларга бўлиш ёки илмий тадқиқ этиш сифатида тушунилиши мумкин. Анализнинг турли класификациялари мавжуд бўлиб оммавий анализ таснифини қуйидагича белгилаймиз: тизимли анализ, корреляцион анализ, факторли анализ, статистик анализ ва бошқалар. Умуман олганда айтиш мумкинки, анализнинг ушбу барча

турлари кейс-стади технологияси доирасида қўлланилиши мумкин бўлиб, бу ҳолатнинг технологиянинг имкониятларини янада кенгайтиради. Кейс-стади вазиятни англаш, тафаккур қилиш жараёнида амалга ошириши мумкин бўлган бир қатор аналитик фаолият турлари иштирок этиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ўқитувчидан юқори даражадаги методологик маданиятни талаб этади.

Қуйидаги жадвалда кейс-стади технологиясида фойдаланиш мумкин бўлган анализ турларининг имкониятлари берилган

<b>№</b>	<b><i>Аналитик фаолият турлари</i></b>	<b><i>Уларнинг характеристикаси</i></b>	<b><i>Унинг гуруҳлари</i></b>
1.	Муаммоли анализ	Муаммоларни ажратиш; Муаммолар майдони ва уларнинг квалификациясини шакллантириш.	1) Вазиятнинг муаммоли мазмунини анализ қилиш; 2) Вазиятнинг муаммоли шартларини анализ қилиш; 3) Вазиятнинг муаммоли оқибатларини анализ қилиш.
2.	Тизимли анализ	Объектни тизимий ёндашув позициясидан ўз структураси ва функцияларига эга тизим сифатида кўриб чиқиш	1) Дескрипт анализ: мавжуд структура асосида функцияларни шакллантириш; 2) Конструктив анализ: мавжуд функциялар асосида структура шакллантирилади.
3.	Праксеологик анализ	Фаолиятли жараёнларни уларни оптималлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш	Фаолиятни оптимизациялаш усулларини анализ қилиш; Фаолиятни моделлаштириш ва алгоритмлаштириш
4.	Прогностик анализ	Вазиятнинг кейинги ривожига нисбатан фаразлар келтириш	Норматив прогностик анализ; Изловчи прогностик анализ

Кейс-стади технологияси моҳиятан қуйидаги дидактик тамойилларнинг кетма-кетлигига асосланади:

1. Ҳар бир талабага индивидуал ёндашув, унинг эҳтиёжларини ва таълимий услубини инобатга олиш. Бу тамойил таълим жараёнини ташкил этмас аввал талабалар ҳақида максимал ахборотни олишни назарда тутди;
2. Таълимда максимал даражада эркинлик бериш (ўқитувчиларни танлаш имконияти, фанларни танлаш имконияти, топшириқлар ва уларни ечиш услубларини эркин танлаш имкониятининг мавжудлиги);
3. Талабаларни топшириқларни ечишда зарур бўлган кўргазмали материаллар билан етарли миқдорда таъминлаш (илмий мақолалар, видео ва аудио касеталар, у ёки маҳсулотлар);
4. Асосий муаммолар атрофида жипслаштирилган назарий материални рационал узатиш;
5. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги фаол ҳамкорлик муносабатлари. Талаба исталган вақтда ўқитувчига савол билан мурожаат қилиши мумкин;

Талаба шахсининг кучли жиҳатларини ривожлантиришга урғу бериш.

“Case-study” услуби – назарий билимларни амалий масалаларни ечишга қўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Услуб талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади.<sup>19</sup> Ушбу услуб орқали талабалар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг рационал ечимини топишга ўрганадилар. Ўқитишнинг интерфаол услубларидан бўлган “Case-study” услубидан талабалар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқдалар; у талабаларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида “Case-study” услуби ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади.

---

<sup>19</sup> А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: Фан ва технологиялар, 2014 й.

### **1-кейс**

Ривожланган мамлакатларда пенсия фондлари маблағлари иш берувчи ва ишчи зиммасига тенг тақсимланган пенсия бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Ўзбекистонда 2017 йил ҳолатига иш ҳақи фондидан иш берувчи 25 % ва ишчи 8% миқдорда пенсия ажратмалари тўлайдилар.

*Бу ҳолат иш берувчилар учун ортиқча солиқ юки бўлмайди.  
Ўзбекистонда ҳам иш берувчи ва ишчи тенг миқдорда пенсия бадаллари тўлайдиган тизимга ўтишнинг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд?*

### **2-кейс**

Ўзбекистонда фуқороларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказадиган пул маблағлари жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилинган. Шундай бўлсада жамғариб бориладиган пенсия тизими таркибида фуқороларнинг мажбурий равишда ўтказган пул маблағлари асосий улушни ташкил этмоқда.

*Бундай ҳолатда нима учун берилган солиқ имтиёзи фуқороларни етарлича разбатлантира олмаяпти деб ўйлайсиз?  
Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?*

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари:

- Пенсия тизимларининг вужудга келиши тарихи. Пенсия тизимларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
- Пенсия таъминотининг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни.
- Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва назарий асослари.
- Ижтимоий ҳимоя тизимининг зарурияти ва асосий вазифалари.
- Жаҳондаги мавжуд пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделлари.
- Пенсия таъминотида жаҳон тажрибаси ва юзага келган муаммолар.
- Ривожланган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизимининг тузилиши ва стратегик аҳамияти.
- Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги ўтиш даврида пенсия тизимини ривожланиши.
- Кучли ижтимоий сиёсатни таркиби ва амалга ошириш устувор йўналишлари.
- Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашда “Ижтимоий иш” йўналиши мутахассисларнинг вазифалари.
- Хориж мамлакатларидаги ижтимоий ҳимоя тизимлари.
- Ижтимоий ҳимоянинг либерал шакли.
- Ижтимоий ҳимоянинг консерватив модели.
- Социал-демократик (бирдамлик) модель.
- Пенсия тизимининг тақсимот тортилувчан (авлодлар бирдамлиги) модели.
- Пенсия тизимининг капиталлашган модели.
- Ижтимоий ҳамкорлик ва аҳолининг барча қатламларининг бирдамлиги.
- Пенсия тизимини молиялаштириш ва ривожлантиришнинг ҳозирги замон тенденциялари.
- Давлат пенсия тизимининг кўшимча корпоратив, коллектив ва хусусий турларини шакллантириш.
- АҚШда пенсия таъминоти тизимидаги ислоҳотларни амалга оширилиши.

- АҚШ да хусусий пенсия жамғармаларининг фаолияти.
- Германияда давлат пенсия таъминоти тизими.
- Германияда давлат пенсия таъминотини молиялаштириш ва назорат қилиш.
- Францияда пенсия тизими ислоҳотлари.
- Хитойда пенсия тизимини ташкил этилиши ва ривожланиши хусусиятлари.
- Хитойда демографик вазиятни ўзгариши ва аҳоли қариши.
- Хитойда пенсия таъминоти тизими ислоҳотлари.
- Япония пенсия тизимининг хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари.
- Японияда ижтимоий суғурта ва жорий қилинган пенсия турлари.
- Япония пенсия таъминоти ва молиялаштириш механизми.
- Россия Федерациясида давлатнинг бюджетдан ташқари ижтимоий фондлари.
- Россия Федерацияси Пенсия фонди барқарорлигини таъминлаш тажрибалари.
- Россия Федерациясида давлат пенсия тизимини тартибга солиш тадбирлари.
- Қозоғистон Республикаси пенсия таъминотининг назарий-услубий асослари.
- Қозоғистон Республикаси пенсия фонди даромадларини шакллантириш.  
Қозоғистон Республикаси пенсия фонди харажатлари тизими.



## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>пенсия</b>	уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови	A pension is a fund into which a sum of money is added during an employee's employment years, and from which payments are drawn to support the person's retirement from work in the form of periodic payments.
<b>пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди турадиган жой</b>	пенсия олиш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими	The regional (city) department of the Off-budgetary Pension Fund under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan
<b>пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш</b>	пенсия тайинлаш, пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган (тўхтатилган) пенсия тўлашни белгиланган тартибда тиклаш (қайта тиклаш) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ариза бериш	Apply to the district (city) department of the Off-budgetary Pension Fund under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan on the appointment of pensions, recalculation of pensions, transfer from one type of pension to another, as well as restoration of previously suspended (suspended)
<b>пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди</b>	улар асосида пенсия сўраб мурожаат қилган шахсга пенсия тайинланган ҳужжатларнинг тикилган туркуми	the emblem of the documents assigned to the person applying for a pensions
<b>банд шахс</b>	ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган ва иш вақтини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган жисмоний шахс, тадбиркор, шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, бевосита қорамол ўстирадиган ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотадиган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида банд бўлган шахс, шунингдек оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъекти	a natural person, entrepreneur, including an individual who is engaged in entrepreneurial activity without directly forming a legal entity and is directly involved in livestock breeding and livestock production and other agricultural products, family business and subject of craftsmanship
<b>иш стажи</b>	меҳнат дафтарчаси ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги	work record and total duration of labor activity and other activity that gives the right to pension according to the legislation, irrespective of breaks in work, on the basis of other documents issued from work, service, study or archive

<b>махсус иш стажи</b>	халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлиги	халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлиги
<b>жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари</b>	шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари	voluntary contributions to personal savings pension accounts
<b>жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари</b>	шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари	monetary means, which are subject to compulsory personal pension savings accounts
<b>жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи</b>	жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс	an individual or an employer legal entity that makes contributions to the recipient in the recipient's pension payments
<b>жамғариб бориладиган пенсия таъминоти</b>	фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш	provision of monetary funds in addition to state pension funds from personal accumulative pension accounts of citizens
<b>шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи</b>	фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.	a personal account with a Holder of “Xalq Bank”, and the interest accrued on the accumulative pension contributions and personal savings account of the depositor shall be credited to this account and credited thereon.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **Асосий адабиётлар**

1. Рустамов Д.Р. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Монография/ ТМИ. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2013. – 156 б.
2. Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его применения в условиях переходной экономики. Ташкент. «Университет» 2003 г.
3. А.Ҳайтов, М.Зиядуллаев. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. Тошкент “Адолат” 2009 й.
4. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент “Фан”, 2005 г.
5. Беликова Т.Н., Минаева Л.Н. Пенсия: расчет и порядок оформления. – СПб.: Питер, 2011. – 224 с. (электрон)
6. Актуальные проблемы пенсионной реформы / В.С.Назаров. – М.: Издательство «Дело» РАНХ, 2010. – 144 с. (электрон)

### **Кўшимча адабиётлар**

7. Усмонова М.А. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари. Монография. Т., ТДЮИ, 2005., 198 б.
8. Усманова М.А., Иноятов А.А., Саримсакова Г.К., Муродова Г. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005.- 302 б.
9. Усманова М.А., Турсунов Й. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2004.- 190 б.
10. Турсунов И., Шойимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2003-230 б.
11. Уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш методик қўлланмаси/ М.Карамян, М. Хасанбаева, М. Аминова. – Тошкент: Vaktria press, 2014. – 100 б.
12. “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: “Университет”. 2014. 272 б.
13. “Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: “Университет”. 2016. 126 б.
14. “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. -432 б.
15. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Стат. тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -140 б.
16. Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистана 2015 / под общ. Ред. Г.К. Саидовой. – Ташкент. Центр экономических исследований, 2015. – 100 с.
17. Доклад о человеческом развитии 2014. Обеспечение устойчивого прогресса человечества: Уменьшение уязвимости и формирование жизнестойкости. ПРООН. Нью-Йорк. 2014. -239с.
18. World development report 2014: risk and opportunity - managing risk for development. The World Bank. Washington D.C. 2014. 324 p.
19. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017 йил. 244 б.

### **Раҳбарий адабиётлар**

20. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали

маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ., Тошкент, 2016. 56-б.

21. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
22. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.
23. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2015. 304б.
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

#### **Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар**

25. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2013
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 10.08.2015 йилдаги 327-сон қарори.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 09.07.2015 йилдаги 185-сон қарори.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 10.06.2015 йилдаги 153-сон қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармони.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли Қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовни “Кексаларни эъзозлаш давлат дастури тўғрисида” 2015 йил 18 феврал ПҚ-2302 сонли қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

#### **Интернет сайтлар**

34. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг портали

35. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
36. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти
37. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси сайти
38. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси